Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

27 февраль, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 44 (1561)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

26 февраль куни Президент Ислом Каримов раислигида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 1997 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшма ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Иқтисодий тараққиётда олға силжиш, халқ хўжалиги таркибида ўзгаришларни амалга ошириш, шу йўл билан жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш ислоҳотларнинг бош мақсадидир, деди Ислом Каримов мажлисни очиб. Бунинг учун эса ўтган йил натижаларини танқидий нуқтаи назардан ўрганишимиз, баҳолашимиз, жорий йилда энг аввало қайси тармоқларни ривожлантиришимиз кераклигини белгилашимиз, бошқача айтганда, истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаб олишимиз зарур.

Ҳар бир корхона, хўжаликнинг ривожланиши учун сармоялар асосий омил ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Бу эса хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига кенгроқ жалб этишни талаб қилади. Янги технологияларни олиб келиш, иқтисодий барқарорликни, молия интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳисобкитобларни вақтида ўтказиш мутасадди раҳбарларнинг доим диққат марказида туриши керак. Бу масалаларни ҳал эта олмайдиган, давлат ва халқ манфаатлари нуқтаи назаридан фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган кишиларнинг раҳбар бўлиб ишлаши мумкин эмас. Ҳар биримиз 1997 йилнинг энг долзарб, устувор вазифаси нимадан иборат деган саволни ўзимизга беришимиз ва унга жавоб излашимиз даркор.

Мажлисда республика Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси Р. Гиниятулин, Бош вазир ўринбосари -- молия вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда ўтган йили ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида эришилган натижалар атрофлича таҳлил этилди. Бу борадаги нуқсон ва камчиликларга эътибор қаратилди. Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов, Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни раиси А. Ибобеков, бир қатор вилоятлар, вазирликлар, йирик корхоналар раҳбарлари иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида қилинаётган амалий ишлар, янги дастур ва режалар ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар ҳақида тўхталдилар.

Республика Президенти Ислом Каримов мажлисда маъруза қилди.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТДА: мажлис пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ тасвирга олган.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЗЧИЛЛИГИ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 1996 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 1997 ЙИЛДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Муҳтарам кенгаш қатнашчилари!

1996 йил якунлари, эришилган натижалар ва шу билан бирга ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили биз учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Чунки 1997 йилги иқтисодий янгиланишларнинг устувор йўналишлари айни мана шу асосда белгиланиши керак.

Ўтган йилга якун ясар эканмиз, унинг асосий хусусиятлари ҳақида хулоса чиқарганда, 1996 йил мамлакатимиз учун бозор иқтисодиётига асосланган демократик янгиланишлар йўлида муҳим босқич бўлди, дейишга тўла асосимиз бор.

1996 йил ҳақида гапирар эканмиз, **энг аввало** у иқтисодий ва молиявий барқарорлик йили бўлганини тўла ишонч билан айтиш мумкин. Чунки бу йилда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Ялпи ички маҳсулот 1995 йил даражасига қараганда 101,6 фоизни, саноат маҳсулоти ҳажми -- 106 фоизни, истеъмол молларини ишлаб чиқариш -- 108 фоизни ташкил этди. Бюджет камомади 3,5 фоиздан ошмади. Пулнинг қадрсизланиш ўртача йиллик даражаси 2 мартага камайди. Нақд пул эмиссияси даражаси эса 20,4 фоиздан 19,7 фоизга қисқарди.

Иккинчидан. Миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги мавқеини ошириш имконини берди. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1995 йилда 1,3 миллиард доллар сотилган бўлса, 1996 йилда 3,3 миллиард доллар миқдорида хорижий валюта сотилди.

Учинчидан. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиш жиҳатидан ўзгартириш ишлари изчил амалга оширилди. 166,5 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилиб, бундан 66 фоизи ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга сарфланди.

Асака автомобиль заводи, «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасида меъморлик ойнаси ишлаб чиқариш бўйича цех қурилиши тугалланди, «Кабул-Тўйтепа-Текстайлз» қўшма корхонаси, Қарши шаҳридаги тўқимачилик комплекси, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича «Касмир-Дери» қўшма корхонаси, Чирчиқдаги болалар пойабзали ишлаб чиқариш бўйича «КИБО» қўшма корхонаси ва яна бир қанча муҳим объектлар фойдаланишга топширилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли-Нукус газ қувури, 3-кон-металлургия заводи, Ғузор -- Бойсун -- Қумқўрғон янги темир йўли, Қамчиқ довонидаги автомобил йўли қурилишлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда, Ўзбекистон қийин эриётган ва ўтга чидамли материаллар комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқа муҳим объектларни қайта қуриш давом эттирилди. 150 дан ортиқ янги хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тўртинчидан. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бозор ислоҳотлари натижасида ҳозирги пайтда халқ хўжалигида банд кишиларнинг ва ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,7 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

Бешинчидан. Ташқи иқтисодий фаолият сезиларли даражада фаоллашди. Ташқи савдо оборoти 9,3 миллиард доллардан ошди. Бу ўтган йил даражасидан 1,4 марта кўпдир. Ташқи иқтисодий фаолиятимиз жўғрофияси ҳам анча ўзгарди. Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо оборoти 1,7 мартага кўпайиб, умумий ҳажмнинг 72 фоизини ташкил этди.

* * *

Шу билан бирга ўтган йили олдимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда жиддий хато ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини тан олиш лозим.

1996 йил қишлоқ хўжалиги учун оғир келди. Қишлоқдаги ислоҳотлар жуда суст ва кўп ҳолларда расмиятчилик йўлида амалга оширилмоқда. Яқинда бу масалалар махсус кенгашда кўриб чиқилди ҳамда бу вазиятга принципиал баҳо берилди. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай камчиликлар мавжуд.

Пул қадрсизланиши даражаси қисқаришига қарамасдан, йил натижалари бўйича бу кўрсаткич кўзда тутилган таъминлардан юқори бўлди. Кўпгина корхона ва соҳаларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда, айланма (оборот) маблағлари етишмаслиги сезилмоқда, ўзаро ҳисоб-китоб муаммоси ва тўловлар илгаригидай долзарб бўлиб турибди.

Корхоналарни акциялаштириш жараёни суст ва юзаки бормоқда, қимматли қоғозлар бозори ҳам яхши ривожланмаган, фонд бозори фаолиятида ҳам камчилик кўп. Корхоналарда мулк шакли ўзгарди, бироқ улар фаолиятида принципиал, сезиларли ўзгаришлар деярли юз бергани йўқ.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш, банк, молия ва суғурта тизимларини қайта ташкил этиш, бу соҳаларда билимдон ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп иш қилиниши керак.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 февраль куни Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Со Кон Ини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар нафақат давлат ва ҳукумат даражасида, балки турли вазирликлар, корхоналар, тадбиркорлар ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ҳам мустаҳкамланиб бораётганидан алоҳида мамнуният билдирди. Ислом Каримов бу борада элчи Со Кон И жанобларининг ҳиссаси катта эканини таъкидлаб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари равнақи йўлидаги самарали меҳнати учун унга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Со Кон И Ўзбекистондаги элчилик ваколати ниҳоясига етганини маълум қилди. У қисқа муддатли фаолияти давомида мамлакатимиздаги улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлгани ва ўз юртига Ўзбекистон ҳақидаги илиқ таассуротлар билан қайтаётганини айтди. Шунингдек, элчи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривож топади, дея умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ тасвирга олган.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазири ўринбосари Фатҳий аш-Шазлий бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар чоғида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

ПАЙЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг тахминлари тўғри чиқмоқда: ХИФларнинг имкониятлари тобора ошиб бораётир. Хусусийлаштирилган корхона ва ташкилотларнинг пайларини сотиш бўйича ўтказилган «Ким ошди» савдолари шундан далолат бераётир.

Кеча Республика Кўчмас мулк биржасида бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувда бу масала алоҳида қайд этилди. ХИФлар дастури ҳаракати бошқармаси бошлиғи М. Хамидуллин учрашувда сўзга чиқиб пайчилар кўпаяётганлигини алоҳида таъкидлади. Агар бултўрги савдода тўртта бошқарувчи компания 6,7 миллион сўмлик 46,5 минг донадан кўпроқ акция сотиб олган бўлса, шу йилнинг ўтган икки ойида тўққизта бошқарувчи компания деярли 151 миллион сўмдан ошиқ 170,6 мингтадан зиёд қимматли қоғозни харид қилган. ХИФларнинг харид қобилияти ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи бу рақамлар давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган янги-янги инвестиция ташкилотларига нисбатан аҳолининг ишончи ошаётганлигини кўрсатади.

М. ҚИЁМОВ, «Халқ сўзи»мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил намунасидаги қиймати 200 сўм бўлган пул билетини муомалага чиқариш тўғрисида

1997 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил намунасидаги қиймати 200 сўм бўлган пул билети муомалага чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил намунасидаги қиймати 200 сўм бўлган пул билети 144x78 мм. ўлчамидаги оқ қоғозга босилган.

Пул билетининг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли майдонда Ўзбекистон Республикаси Герби кўринишидаги сув белгиси мавжуд.

Билетнинг деярли марказидан билетнинг бутун эни бўйича металл қўшилган ярим эфирли ҳимоя ипи ўтади.

Билетнинг олд тарафида яшил-сариқ, бинафша ва жигар ранглар кўпроқ ишлатилган.

Билет олд тарафининг юқори қисмида «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ» ёзуви бор, унинг остида нақшли рамкада Ўзбекистон Республикасининг Герби тасвирланган. Герб остида пул билетининг қора рангли иккита лотин ҳарфидан иборат серияси ва еттита рақамли номери бор.

Билет пастки қисмининг марказида унинг қиймати -- «200 СЎМ» кўрсатилган.

Билетнинг қуйи қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИ РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА ҲАММА ТЎЛОВЛАР УЧУН ЎЗ ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ШАРТ» ёзуви бор.

Билетнинг ўнг қуйи қисмида билет серияси ва номери тагида «200» рақами мавжуд бўлиб, у узлуксиз «ЎЗБЕКИСТОН-РЕСПУБЛИКАСИМАРКАЗИЙБАНКИ» микроматни билан чизилган, юқори қисмида розетка бўлиб, унинг устида билет босиб чиқарилган йилини кўрсатадиган «1997» ёзуви бор.

Мазкур пул билетининг орқа томонидаги асосий қисми яшил, кўк ва тўқ сариқ ранглардир.

Банкнотанинг орқа томонида маркази бўйлаб қуёшли шер тасвири туширилган. Билетнинг марказий қисми юқориги чап ва пастки ўнг томонларида унинг қиймати -- «200 СЎМ» кўрсатилган. Банкнотанинг қуйи қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ ҚОНУНГА МУВОФИҚ ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ» ёзуви, билетнинг чап тарафи қуйи қисмида яшил-кўк розеткада «200» рақами бор.

Мазкур пул билети Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамма тўловлар учун мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан, шунингдек, банклар томонидан омонатларга ва ҳисобрақамларга қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

УЙҒОНИШ

Яшириб нима қиламиз, кеча фақат қорнимизни ўйлардик. Гўё ҳамма бойликни ўзимизники деб юрардик. Ёлғон экан. Умумники умумга кетди, қайтиб келади деб кутиб туриш -- гумроҳлик. Лекин биз истасак-истамасакда, барибир аввал Кечани яшаймиз. Ундан ҳеч ким воз кечолмайди. Фақат юракка тарозу қўйиб, тўғри ўлчаб олсак бўлди.

КЎНГИЛ ҲАҚИҚАТИ

Катта дунёнинг катта тегирмони айланиб турибди. У тўхтамайди. Бироқ бир хавотир доим кўнгилни эзади. У ҳам бўлса, сизу биз ўзимизнинг орамизда ҳамон кечани соғинаётганлар учрайди. Уларнинг шиори битта: «Аввал қозонимиз, ўчоғимиз бир эди, яхшигина яшаб юрувдик. Бугун....» Ана шулардан қўрқиш керак. Энг даҳшатлиси бундайларнинг икки қўлини боғлаб, икки кўзини беркитиб, нон-сув тутсангиз бемалол еб-ичиб, ҳазм қилади. Сиз эса фожеани узоқдан излайсиз. У ёнимизда, биз билан бирга-бирга нафас олаяпти.

Яна бир хавотир бор: каттакичик машваратларда фақат Кечани сўкиб, бугунни тинмай мақтаётганларга ишониш қийин. Энди эсланг, у кечагина кутубхоналарда 50-60 томлик китобларни варақлаб, нималарнидир ёзиб кўчириб, бизга маърузалар ўқиган, ора-сирада телеэкран ё радиода чиқиб, газета-журналларда «изм» лардан сабоқлар ҳам берган эди. Унинг усти ўзгарди, ичи...

Майли, не бўлса-да, келинг, энди Бугунга қайтайлик. Ҳазрат Жалолиддин Румийда шундай бир «фасл» бор: «Қўлида қундуз ушлаб турган одамга уникидан яхшироқ бошқа бир қундуз берсангиз, олмаса, демак, у қундузни билмайди.Чунки унга кимдир, қундузнинг қундуз эканлигини айтган, холос. Яна бир мисол: ёнғоқ ўйнаётган болага, ёнғоқнинг магзини ёки ёғини берсангиз олмайди. Чунки бола ёнғоқдан чиқаётган овозга ишқибоз. Магиз ва ёғ эса сас чиқармайди. Тангрининг хазиналари ва илмлари беҳисоб...» «ФАСЛ» нинг моҳиятини энди англагандирсиз.

Яратган бизларга жуда катта бойлик -- хазина берди: бу бебаҳо неъмат -- ОЗОДЛИКдир. Тўғри, у ҳақда минг марта гапираверган билан оғзимизга сиғмайди. Аксинча, оҳори тўкилиши мумкин. Ёки бир нафасда қорнимиз тўйиб, устимиз бут бўлмаслиги ҳам мумкин. Унда ўзимизни унутиб қўямиз. Энг муҳими, кўнглимиз тўқ бўлсин.

....Ўшанда кузакнинг тўртинчи куни эди. Ҳалиям Ўзбекистоннинг ҳар бир буржида истиқлолимизнинг беш йиллик қутлуғ тўйи нафаси уфуриб турган кезлар. Президентимиз республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашди. Юзма-юз диллашувни ойнаи жаҳонда кўргач, кўнгилларда яна чироқ ёнди. Ва шунда ҳеч унутилмас бир калом айтилди: «МАЪНАВИЯТНИНГ БОШ ҲОМИЙСИ -- ПРЕЗИДЕНТ».Учрашув асл ўзбекона руҳда ўтди. Қувонч ҳам, ташвиш ҳам очиқчасига ўртага қўйилди. Бир неча кун ўтгач эса... Юртбошимиз катта ниятлар билан ўтказган учрашувнинг самараси сезилди: «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармон эълон қилинди.

Кўнгилларда уйғониш бошланди. Мактаб ўқувчисию, талабалар, иқтисод бирламчи деб юрган аниқ фан вакиллари ҳам маънавият энг устувор йўналиш эканлигини ҳис қилмоққа тутиндилар. Ҳатто салом-аликни эплай олмайдиган айрим соҳа вакилларигача «Маънавият нима?» деган саволга жавоб излай бошлашди.

Барибир савол туғилади: нега айнан шу йўл танланди? Ахир биз ўзимизча боболаримиз дунё маданияти бешикларини тебратган» дея мақтаниб юрардик-ку! Энди билсак, хотиржамликка берилибмиз. Мақтовларга маҳлиё бўлиб юраверибмиз. Дўппини ёнга қўйиб, ўйлаб кўрсак, кетаётган йўлимизнинг адоғида нур кўринмаяпти. Бу ташвишли эди, албатта. Хатолар, аччиқ сабоқлар бирдан англанди. Ҳушёр тортдик ва истиқлол боис энг тўғри йўл танланди. Бу йўлдан энди ортга қайтиб бўлмайди.

Қаранг, ҳув олисда ёруғ бир НУР кўринаяпти. У ҳаммамизни ўзига чорлаётир. Бу бир умр кўнглимизни, юрагимизни ёритиб турувчи Маърифат НУРИДИР. Илло, Тангри шул неъматдан ҳеч биримизни мосуво қилмасин.

Норқобил ЖАЛИЛ, «Халқ сўзи»мухбири.

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 1996 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 1997 ЙИЛДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикада зарур ҳуқуқий база барпо этилган, бироқ ҳуқуқий меъёрлар ҳозирча суст амалга оширилмоқда. Шахсий ташаббусда тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам ташкилий иқтисодий шарт-шароитлар барпо этилган, бироқ бу ерда ҳам тўсиқлар жуда кўп. Ўрта ва кичик бизнес ҳам янада жиддийроқ қўллаб-қувватлашга муҳтож.

Кўпгина раҳбар ходимлар ва ўрта бўғин ходимлари онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолиплари ҳамон жуда мустаҳкам. Афсуски, бу одамларнинг кўпчилиги юз бераётган ўзгаришларни ғоят заиф идрок қилмоқда. Улар бу ўзгаришларнинг моҳиятини яхши англаб етмаяпти ва шу сабабли ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлмоқда.

Ҳали мулкдорлик туйғуси ҳам тўла қарор топгани йўқ. Мулкдорлик ҳуқуқи берилган кишилар ўзини мулкдор деб ҳисоблай олмаяпти, мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдалана олмаяпти. Ҳақиқий мулкдорлик туйғусидан маҳрум киши ўз ҳуқуқлари учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва пировард натижа учун кураша олмайди. Бу борада ҳуқуқий асос, ҳуқуқ ва суд органлари, адвокатура, суғурта ва аудит тизими ҳам заиф ишлаяпти. Бу эса бугунги кунда мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш, умуман ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган энг катта муаммодир.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигига қарамай, 1996 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига баҳо бериладиган бўлса, йилнинг асосий якунлари умуман бажарилган, деган хулосага келиш мумкин.

Мен бир гапни кўп такрорлаганман, ҳозир ҳам эътиборингизни шунга яна бир бор жалб этмоқчиман. Бу -- ислоҳотлар жараёни изчил ва тўхтовсиз жараён эканидир. Биз амалга ошираётган ислоҳотларни қандайдир вақт доираси билан, муайян муддатлар билан чеклаб-чегаралаб бўлмайди. Барча ўзгаришларни босқичма-босқич, яъни тадрижий йўл билан амалга оширишимиз лозим.

Биз 1997 йилга айнан мана шу нуқтаи назардан, яъни Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ислоҳотлар йўлидан дадил боришидаги изчил босқич сифатида қарашимиз лозим.

1997 йилнинг энг муҳим, устувор вазифалари иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашда, шу йил 27 январь куни ўтказилган қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган йиғилишда кенг муҳокама этилган эди.

Хўш, биз 1997 йилда эътиборни қандай вазифаларни бажаришга қаратишимиз, бунинг учун зарур бўлган барча ресурсларни сафарбар этишимиз керак? Биз учун нималар устувор бўлиши лозим?

Ўзбекистон аҳлига яхши маълумки, 1997 йил Инсон манфаатлари йили деб белгиланган. Бугунги кунда ҳар бир киши бу ғоя замирида қандай маъно мужассамлигини, бу билан биз ўз олдимизга қандай мақсад қўйганимизни яхши англаб олиши жуда муҳимдир. Нима учун бу масала бугунги кунда бундай улкан ва долзарб аҳамият касб этмоқда?

Мана шу масалаларга имкон бори қадар қисқача тўхталиб ўтишни истардим.

Биринчидан, **1997 йилни Инсон манфаатлари йили** деб белгилаганимиз, биз Ўзбекистонда бу муҳим масалани ҳал этишга эндигина киришяпмиз, деган фикр туғдирмаслиги лозим. Биз илгари ҳам, яъни бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келганмиз.

Бироқ чора-тадбирлар кўп ҳолларда тарқоқ бўлиб, уларга муайян, лекин айни замонда ўтиш даврининг ўткир ижтимоий масалаларини юмшатишга хизмат этувчи алоҳида вазифалар сифатида қаралган эди.

Бугун вазифалар мутлақо бошқа тарзда қўйилмоқда. Инсоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаш керак. Бу саъй-ҳаракатлар яхлит, умумлаштирилган тарзда олиб борилмоғи, бошқача айтганда, ҳар томонлама уйғун бўлмоғи лозим. Ушбу мақсадда барча имкониятларимиз, куч-ғайратимизни бирлаштиришга тўғри келади.

Иккинчидан, яна шуни таъкидлашни истардимки, бизнинг бу тадбирларимиз 1997 йилда Инсон манфаатлари билан боғлиқ барча муаммоларни бир йўла ҳал қилиб ташлаймиз, деган маънони билдирмайди. Мазкур муаммолар ечимига юзаки қарамаслик керак. Енгил-елпи ёндошув муаммолар моҳияти ва аҳамиятини қадрсизлантиради ва пировард оқибатда амалий иш билан мустаҳкамланмаган қуруқ шиорбозликка олиб келади.

Инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш -- албатта, узоқ давом этадиган, мураккаб жараёндир. У соф ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий муаммолар доирасига ҳам сиғмайди.

Бозор муносабатлари чуқур илдиз отган, умумжаҳон тизимлари билан ҳар томонлама интеграциялашган, иқтисодий бақувват, демократик давлатгина инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, муносиб турмуш шароитини яратиб бериши мумкин.

Шу билан бирга, сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятимиз ҳаётида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, аввал кўп марта зикр этганимиздек, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Учинчидан, яна бир бор таъкидлаш жоизки, инсон манфаатларини таъминлашни амалга ошириш -- Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил, олдиндан аниқ-равшан белгиланган мантиқий давомидир.

Бинобарин, 1997 йилни инсон манфаатлари йили деганимизда биз, аввало, мустақиллик шароитида кечган беш ярим йиллик мураккаб ҳаётимизга яна бир бор ўз ташлаб, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги ислоҳотларимизнинг илк натижаларини инсон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини назарда тутамиз.

Ҳаётимизга, жамият қурилишига узвий равишда кириб келаётган ўзгаришлар, янгиликлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, меҳнатни ташкил қилиш, инсоннинг турмуш шароитини яхшилашга қай даражада таъсир этаётганини биз аниқ-равшан тасаввур этмоғимиз зарур.

Эришган ютуқларимизни танқидий кўз билан баҳолар эканмиз, тан олишимиз керакки, биз ўтган йиллар мобайнида инсон манфаатларини ҳимоя қилишни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга имкон берувчи зарур заминни, пойдевор, барқарор асоснигина ярата олдик. Бу борада биз ҳали, хусусан жорий йилда ҳам, жуда кўп иш қилишимиз лозим.

Бор саъй-ҳаракатимиз, амалий ишларимиз билан одамларни мунтазам ишонтириб бормоғимиз керакки, ислоҳотлар жараёнида фақат уларнинг ўзлари фаол иштирок этган тақдирда, белгиланган мақсадларга етиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб тер тўккан тақдирда ислоҳотларни олға силжитиш, чуқурлаштириш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати манфаатдор давлат ва ижтимоий тизимлар билан инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди. Мазкур Дастурда ечиш кўзда тутилган ўзаро боғлиқ муаммолар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

-- шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш;

-- инсон ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

-- инсоннинг маданий, маънавий интеллектуал лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш.

Дастурда инсоннинг кўпқиррали манфаатларига жавоб берувчи тадбирлар белгиланган. Асосий гап дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг қуруқ гапга айланиб қолишига йўл қўймасликда.

Мазкур дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаро, ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоғи ҳаётида ўз ифодасини топиши ўта муҳимдир.

Мазкур тадбирлар янги ташаббуслар туғилишига, янги имкониятлар очилишига олиб келиши, одамларимизга бунёдкорлик кайфияти бағишлаши билан ғоят муҳимдир.

Бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз нафақат замондошларимиз, балки келажак авлодларимиз бахт-саодати учун ҳам хизмат қилишини одамлар ҳис этиши айниқса муҳим.

Мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти бандма-банд, бобма-боб, барча тафсилотлари билан жойлардаги ижрочиларга етказилиши, унинг ижроси мунтазам назорат қилиб борилиши зарур.

Азиз ватандошлар!

Юқорида тилга олинган Дастур ва иқтисодимизни ислоҳ этишнинг умумий стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 1997 йилнинг энг долзарб масалалари-муаммолари нима, деб сўрашингиз табиий.

Биринчи галдаги энг муҳим вазифа -- 1997 йилда макроиқтисодий барқарорлик, инфляция даражасини пасайтириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш соҳасида эришган ижобий силжишлар, ютуқларимизни мустаҳкамлаш.

Вазифаларимиз кўлами жуда катта -- изчил иқтисодий ривожланишни таъминлашимиз, иқтисодий ўсишда барқарорликка эришишимиз, кредит эмиссиясини кескин қисқартиришимиз, сўмимизнинг харид қувватини оширишга мустаҳкам замин ҳозирлашимиз керак. Бир сўз билан айтганда, шундай бир иқтисодий шарт-шароит яратишимиз керакки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг кўламда ислоҳ этишга эришайлик.

1997 йилнинг яна бир муҳим вазифаси -- кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдан иборат.

Биз бу масалага аввал ҳам катта эътибор берганмиз. Талай ютуқларга ҳам эришдик. Хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий замин яратилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берувчи тизимлар -- Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Мадад» суғурта идораси ташкил этилди, консалтинг, инженеринг ва лизинг фирма ва компаниялари, бизнес-инкубаторлар тармоғи вужудга келди.

Муҳими, кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти воқеликка айланди. Биргина ўтган йилда республикада 34,5 минг янги хусусий кичик корхона ташкил этилиб, уларнинг умумий сони бугун 100 мингга яқинлашиб қолди. Бундан ташқари 19,5 мингдан зиёд деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди. Шуниси муҳимки, кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг барча соҳаларида барпо қилинмоқда.

Аммо биз бугун олдимизда турган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, амалда вужудга келган вазиятга реал баҳо берган ҳолда, бу масалага яна бир бор қайтишимиз лозим. Стратегик режа борасида биз шундай вазифани қўямиз: кўпқиррали иқтисодиётни шакллантириш ва бунда хусусий мулк, кичик ва ўрта бизнесга биринчи даражали аҳамият бериш лозим.

Ўлкамизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг ошиқчалиги, ривожланган қишлоқ хўжалиги ва хомашё базаси, керак бўлса, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада фаол ривожлантиришни тақозо қилади.

Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, биз бу масалага алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Мен нимани назарда тутмоқдаман?

Биринчидан, қонунчиликда бу борада кўзда тутилган рағбат ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарур. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларга барҳам бериш керак.

Биз хусусий тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга ҳокимиятнинг жамики бўғинлари томонидан оғишмай амал этиладиган қатъий ва мажбурий муҳитни вужудга келтиришимиз шарт. Кимки бу ишга ҳалақит бераётган бўлса, тўрачилик, таъмагирлик, юлғичлик билан шуғулланаётган бўлса, шафқатсиз суратда жазоланиши зарур. Расмиятчиликни ўзига қалқон қилиб олиб, амалда кичик бизнес тараққиётига тўғаноқ бўлаётган кимсаларнинг бахридан ўтиш керак. Биз кичик ва ўрта корхоналарнинг турли шакллари тез ва кенг ривожланиши учун йўл очишимиз лозим.

Иккинчидан, ислоҳотларнинг бу муҳим йўналишини қўллаб-қувватлаш учун янги манбалар излаб топиш ва мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш зарур.

Хўш, бунда нима назарда тутилмоқда?

Бу аввало, ички манбаларни, банк кредитларини жалб қилиш демакдир. Шуни эътиборга олиш муҳимки, халқаро тузилмалар, хорижий компания ва жамғармалар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Немис техник ҳамкорлик жамияти, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Ўрта Осиё-Америка жамғармаси ва бошқа ташкилотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун салмоқли кредитлар ажратиш ва тегишли хизматлар кўрсатишга тайёр эканликларини билдириб, бу борада амалий ҳаракатлар ҳам қилмоқдалар.

Умумлаштириб айтганда, халқаро ва хорижий миллий молиявий тузилмалар ва банклар томонидан шу мақсадда таклиф этилаётган кредитларнинг ҳажми бугунги кунда 350 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Бизнинг айни мақсадга йўналтириладиган ўз ички манбаларимиз бу ҳисобга кирмайди.

Шу ўринда мазкур маблағларни ўзлаштиришга бизнинг ўзимиз тайёрмизми, деган савол туғилади. Қани шундай одамлар, қани ўша мулк эгалари, қолаверса, қани зарур экспертизадан ўтган инвестиция лойиҳалари? Биз уларни амалга ошириш учун керакли маблағлар билан таъминлашга ва сарфланган маблағларнинг ўзини қоплашга эришмоғимиз лозим.

Учинчидан, биз моҳият эътибори билан кичик ва ўрта бизнес яқин келажакда ишлаб чиқариш таркибида, экспорт таркибида ҳаракатчан, тез ўзгариш қобилиятига эга бўлган тармоқ сифатида иқтисодиётда етакчи ўрин тутишига эришмоғимиз лозим.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта корхоналар жўн, алмисоқдан қолган эски асосда эмас, балки сифатли ҳамда замонавий техник база негизида ташкил этилишига эришиш керак. Бозор инфратузилмасини махсус марказлар, лизинг компаниялари тармоғини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Токи кенг ривожланган сервис хизмати йўлга қўйилмас экан -- кичик ва ўрта бизнес ҳам бўлмайди. Бу борада бошқа йўл йўқ.

Бешинчидан, аҳолига ажратилган шахсий томорқаларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига жиддий эътибор бериш даркор. Биз томорқага ички бозорни маҳсулотлар билан, энг аввало, озиқ-овқат моллари билан тўлдиришнинг, аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлган кичик, оилавий бизнес шакли, деб қарашимиз керак.

Ўтган йиллар мобайнида бу борада кўп ишлар қилинди. Уларни санаб ўтирмасдан, шу даврда шахсий томорқа майдонларининг икки баробар ортганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда улар 650 минг гектар суғориладиган ерни ташкил этади. Шунингдек, қорамолларнинг қарийб 80 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 65 фоизи, паррандаларнинг яқин 60 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади.

Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 69 фоизи, меваларнинг 55 фоизи, узумнинг учдан бир қисми шахсий томорқаларда етиштирилмоқда. Томорқанинг қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётимиз таркибида қандай ўрин тутишини изоҳлаш учун ана шу мисоллар етарли, деб ўйлайман.

Бироқ тан олишимиз керакки, сўнгги вақтда шахсий томорқа участкаларига эътибор сусайиб кетди. Бу аҳволни тубдан яхшилаш лозим. Шахсий томорқасида ишловчиларга амалий ёрдам бериш, уларни керакли анжомлар, ихчам техника воситалари, минерал ўғит ва ем-хашак билан таъминлашнинг қатъий тартибини ишлаб чиқиш даркор. Улар етиштирган маҳсулотларни сотиб олиш тизимини кескин ўзгартириш, амалда қайтадан яратиш зарур.

Бор масъулиятни ҳис этган ҳолда таъкидлайманки, давлатнинг ёрдамисиз нафақат шахсий томорқа, деҳқон (фермер) хўжаликлари, балки бутун кичик ва ўрта бизнес ҳам ривожлана олмайди. Давлат бунинг учун зарур маблағларни излаб топиши шарт. Албатта, бу борада аввало аҳоли, фермерларнинг ўз маблағлари ишга солиниши керак. Лекин давлат қўллаб-қувватламаса, кичик бизнеснинг оёққа туриб олиши қийин кечади.

Шуни диққат марказида тутишимиз лозимки, аҳолини, айниқса, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган қишлоқ жойлари ва ҳудудларда иш билан таъминлашдек кескин муаммони фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама, кенг ривожлантириш ҳисобига ҳал эта оламиз.

1997 йилдаги устувор вазифалардан яна бири кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашдир.

Республикада молия, солиқ, банк тизимлари яратилди. Зарур қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Лекин ана шу тизимлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадими, деган савол туғилади. Афсуслар бўлсинким, бу саволга ҳозирча «йўқ», яъни тўлиқ жавоб бермайди, дейишга мажбурмиз. Молия идоралари ходимлари онгида эскича бюджет психологияси ҳукмронлик қилмоқда, бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, зарар кўриб ишловчи корхона ва хўжаликлар сонини камайтириш, уларнинг самарали фаолият юритиши, айланма маблағларига эга бўлиши учун зарур шароит яратишга етарли эътибор берилмаяпти.

Молия ва солиқ тизимлари фаолиятида солиқларни нима қилиб бўлса ҳам ундиришдек бир томонлама ёндашув устунлик қилмоқда.

Албатта, бу нарса солиқлар тўла йиғилишини таъминлаш, даромадларни яшириб қолишга қарши курашиши шарт бўлган молия ва солиқ хизматларининг бевосита вазифаси эканини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин уларнинг вазифаси фақат шундан иборат эмас. Оддий бир ҳақиқатни тушуниб етиш керакки, солиққа тортилувчи объектларнинг мустаҳкам молиявий аҳволи билан жуда кўп нарса, биринчи навбатда, бутун иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва ана шу корхоналарда ишлаётган одамлар ва уларнинг оилалари даромади ва фаровонлиги узлуксиз боғлиқдир. Яъни содда қилиб айтганда, ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳволи қай даражада мустаҳкам бўлса, иқтисодимиз ҳам бақувват бўлади. Барча ишни, унинг мақсади ва йўналишини ана шу ҳақиқатни инобатга олган ҳолда ташкил этиш лозим. Ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш, ўзаро тўловларни вақтида амалга оширишга эришмоқ даркор.

Банк ҳисоб-китоби ва тўлов тизими замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Тўрачилик, баъзида коррупция ҳоллари мавжуд, фоиз ставкаларининг юқорилиги сабабли тижорат банкларидан қарз, айниқса, инвестиция кредитлари олиш ниҳоят даражада мушкул. Бунинг яна бир сабаби-кредит бозорида рақобатнинг йўқлигидир. Минг афсуски, банклар ҳали ҳам корхона ва тадбиркорликнинг ҳақиқий ҳамкори ва кўмакчиларига айлана олмадилар.

* * *

Эътиборингизни яна бир муаммога қаратишни истардим. Кўплаб корхона раҳбарлари ва тадбиркорларда ҳали ҳам молиявий натижаларга жиддий муносабат шаклланганги йўқ.

Корхона раҳбарлари ва тадбиркорларнинг барчасида ҳам ўз фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ масъулият ҳисси шаклланган, деб бўлмайди. Йўқса, биз бугунгидай дебиторлик ва кредиторлик қарзларига ботиб қолмаган бўлардик.

Ўз-ўзимга, дебиторлик қарзи нима, бозор шароитида шу нарса бўлиши мумкинми, деб савол бераман.

Уни қайта-қайта, лекин оддийгина тушунтириш мумкин:

бир тарафдан -- мен маҳсулотни жўнатдим, лекин ҳақини олмадим;

бошқа бир тарафдан -- мен маҳсулотни олдим, лекин ҳақини тўламадим.

Нима қилиш керак, ким ҳақ, ким ноҳақ? Ким жавобгар бўлиши керак?

Айбдорлар ҳам, жавобгарликка тортилиши керак бўлганлар ҳам хўжакўрсинга шартнома тузган кишилардир. Шунинг учун ҳам у амал қилмай, қоғозда қолиб кетаверади. Бу -- биринчидан.

Иккинчидан, ўз маҳсулотига ҳақ ололмаслигини олдиндан била туриб, уни жўнатиб юборганлар айбдор.

Ва, учинчидан, бизга хўжаликлар олдиндан ҳақ олмасдан маҳсулот етказиб беришга мажбур, дейдиган, улар билан ҳисоб-китоб қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган боқибеғамлар жавобгарликка тортилиши керак.

Жиддий огоҳлантириб қўймоқчиман: агар кимки, корхона раҳбарими, район, шаҳар ёки вилоят марказий ва тижорат банкларининг тўловлар ва ҳисоб-китоб ишларини назорат қилиб юрган мутасадди раҳбарларми, шу масалага масъулиятсизлик ва лоқайдлик билан қараб, тузилган шартномаларни қўпол равишда бузиб, бажармасдан, кўлини қовуштириб ўтирганларни жиноий жавобгарликка тортиш керак. Бугун бу масала-муаммо билан кўп жиҳатдан ишчиларимизнинг ўз вақтида маош олиши, корхоналарнинг ўз келажагини кўриши чамбарчас боғлиқдир.

Кимки шу талабни бажармаса, нафақат корхона манфаатларига, балки шу корхонада ишлаётган одамларнинг ризқ-рўзига хиёнат деб билиш даркор.

Минг афсуски, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унинг бозорини билмасдан, аниқламасдан туриб иш бошлаётганларнинг сони кўп. Шунга ҳали-бери ақли етиб бормаганлари ҳам кам эмас. Бугунги кун тили билан айтганда, бозор маркетингини ўзлаштириш, доимо унинг шарт-шароитлари ва мавжуд чекловларини ўрганиб бориш зарур.

Маҳсулот етказиб берувчи ва уни сотиб олувчи корхоналар раҳбарларига бир савол бермоқчиман. Мабодо, сиз ўз даромад ва шахсий жамғармангиздан қарз бергудай бўлсангиз, унинг қайтарилиши ёки қайтарилмаслигини юз марта ўйлаб кўрмасмидингиз? Орангиздан бирор киши, қайтарилмаслигини олдиндан била туриб, бировга қарз беришига ишониш қийин.

Унда нега хўжаликлар фаолиятида бунга йўл қўйилмоқда? Чунки мулкка эгалик ҳисси шаклланганги йўқ. Шу пайтгача хусусий корхоналар ҳам, ҳиссадорлик жамиятлари ҳам, уларнинг раҳбарлари ҳам, қолаверса, ҳиссадорлар кенгаши аъзолари ҳам ўзларининг мулкдор эканини ҳис қилгани ва англаб етгани йўқ.

Заиф суғурта тизими ҳам бозор муносабатлари тараққиётига халал бермоқда. Биз 1997 йилда кучли суғурта тизимини яратишимиз ва бунинг учун тегишли хорижий структураларни жалб этишимиз лозим бўлади.

Яна бир муҳим масала: биз ишлаб чиқаришда яккаҳокимликка (монополизмга) барҳам бериш тизимини яратдик, яқинда «Товар бозорларида рақобатни қарор топтириш ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилдик. Тўғрисини айтганда, улар амал қилмаяпти. Барча соҳада, ҳатто хусусий тадбиркорликда ҳам монополистик тузилмалар илдиз отмоқда, бу эса бозор муносабатлари тараққиётига тўсқинлик қилмоқда.

Биз 1997 йилда ишлаб чиқаришда яккаҳокимликка чек қўйиш, фаолиятнинг барча соҳаларида муайян рақобат муҳитини яратиш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Навбатдаги устувор вазифа инвестиция фаолиятни кучайтириш ҳисобига иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришишдир.

Ўтган йилларда биз, маблағлар етишмовчилиги шароитида ҳам, таркибий ўзгаришлар ўтказиш учун замин ҳозирлашга эришдик;

-- маблағлар ишлаб чиқариш инфраструктурасини, транспорт ва телекоммуникация тизимларини ривожлантиришга сарфланди;

-- халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотлар қурилиши бошланди;

-- иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий тизим яратилди.

Таъкидлаб ўтганимдай, бу сезиларли натижалар берди: янги корхоналар ва янги соҳалар яратилди, янги товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, энг асосийси, сармоя жалб қилишга қизиқиш пайдо бўлди.

Бироқ ҳали олдимизда бутун иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни бошлаш вазифаси турибди. 1997 йилда ушбу стратегик вазифани бажаришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Биз 1997 йил учун инвестициялар дастурини қабул қилдик. Унда инвестицияларни кўп миқдорда, ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз ошиқ жалб этиш кўзда тутилган. Бизнинг вазифамиз бу инвестицияларнинг ишлашини, маълум инвестицион лойиҳаларга айланишини, маълум иншоотлар қурилишига сарф қилинишини таъминлашдан иборат.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга тушириш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини, Шўртан газ ва кимё комплексини қайта таъмирлаш, магистрал газ қувурлари ётқизиш ҳисобига мамлакатимизнинг энергетика мустақиллиги мустаҳкамланишгина қолмасдан, экспорт қилишга мўлжалланган янги ишлаб чиқариш соҳалари ҳам яратилади.

Жадал суръатларда қурилаётган Қизилқум фосфорит заводи, Қўнғирот сода заводи, учта спирт заводининг ишга туширилиши, полиэтилен плёнка тайёрлайдиган ва чет эллик сармоядорлар иштирокида замонавий қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда бир қанча енгил ва озиқ-овқат саноати иншоотлари қурилиши республика иқтисодиётини, мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан биргаликда биз бугун ўз олдимизга, ўша машъум умумиттифоқ ихтисослашувига мувофиқ, республика ҳудудига жойлаштирилган, бироқ мавжуд ресурслар ва мамлакат эҳтиёжига боғлиқ бўлмаган корхоналар тўғрисида бир тўхтамга келиш вазифасини ҳам қўймоқчиман.

Умуман айтганда, ўз техник кўрсаткичларига, технологик имкониятларига кўра, рақобатбоп маҳсулот ишлаб чиқара олмайдиган корхоналар масаласини ечиш пайти келди.

Уларнинг аксарияти ҳамон оғир аҳволда, келгусида ҳам ўнгланиб кетиши даргумон. Бунга барҳам бериш керак. Бундай ишлаб чиқариш корхоналар рўйхатини тузиш лозим. Ё улар, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бугунги вазифаларига ва республика эҳтиёжларига мувофиқ, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, ёки уларни келажаги йўқ корхона сифатида ёпиб ташлаш лозим.

Бу мураккаб масалани ечишни Бош вазир Ўткир Султонов бошчилигидаги комиссияга топшириш лозим.

Азиз дўстлар!

Мен оддий бир ҳақиқатни англаб олишингизни жуда-жуда истайман: кимки, қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмаган бўлса, унинг келажаги йўқ. Хўш, нега шундай?

Биринчидан, эски, алмисоқдан қолган ускуна ва технология билан рақобатбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин эмас. Бинобарин, ушбу муаммони ечиш учун чет эллик шерикларни, имкониятларни жалб этиш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир корхона технологияни зарур замонавий талаблар даражасида сақлаш учун доимий равишда «қаттиқ» валютага эга бўлиш керак. Уни қаердан олса бўлади? Уни фақат ўз маҳсулотини экспорт қилиш эвазига ишлаб топиш мумкин. Шунга кўра, экспортни таъминлаш, кескин рақобат шароитида, ҳатто энг сифатли маҳсулотни сотиш учун ҳам, маълум ва машҳур чет эл фирмаларидан шерик топиш зарур.

Билиб қўйингки, бу масалани ҳал қилмасдан туриб, товарга тўлиб-тошиб ётган жаҳон бозоридан жой ололмайсиз, чунки сизнинг молингизни, товарингизни ҳеч ким қутиб тургани йўқ.

Шунинг учун чел эл сармояси иштирокидаги қўшма ишлаб чиқариш корхоналари тузишни ҳар томонлама рағбатлантириш баробарида, хусусийлаштирилган корхоналар акциялар пакетининг камида 25 фоизини чет эллик инвесторлар сотиб олишига ҳам эришиш керак. Токи харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналаримизнинг акциялари чет эллардаги фонд бозорларига ҳам дадил кириб борсин.

Бизнинг хусусийлаштириш борасидаги сиёсатимиз қуйидагича бўлиши зарур: жамоа ва давлат мулки бўлмиш акциялар пакети улар умумий қийматининг 50 фоиз атрофида бўлиб, келгусида аста-секин давлат улушини камайтириб бориб, эркин бозорда сотилишини ташкил қилишимиз даркор.

1997 йилнинг устувор вазифаси республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришдан иборат. Истиқболимиз равнақи маҳсулотларимиз экспортини кескин оширмасдан, корхоналар фаолиятини рақобатбоп товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, валюта ресурсларини кўпайтирмасдан ўз келажагимизни қуришимиз мумкин эмас.

Экспорт потенциалимизни кескин оширишимизга имконият борми? Жавоб битта -- бор.

Бу мақсадларга етишиш учун анъанавий хомашё ва ярим тайёр моллар -- пахта ва пахта маҳсулотлари, рангли металлар, минерал ўғит ва бошқа моллар экспортини кенгайтириш катта аҳамият касб этади. Биз ҳам ўзимизнинг улкан бойлигимизни жаҳон бозорида сотишни ўрганишимиз керак.

Шу билан бирга мамлакатимиз экспорт имкониятларини кескин оширишнинг муҳим омилларидан бири ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш ва четга тайёр маҳсулот чиқаришдан иборат бўлиши керак. Бизнинг бўш, аччайин заиф томонимиз ишлаб чиқаришда тугалланмаган технологик жараёнлар кўплигида. Бизнинг улкан имкониятларимиз ана шу жойда кўзга кўринмай ётибди.

Исталган соҳанинг -- «Ўзозиқовқатсаноат», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзенгилсаноат», қурилиш материаллари саноати имкониятларига бир назар солинг, улар жуда катта салоҳиятга эга эканини кўрасиз. Масалан, мувофиқ технологияни жорий этиш билан табиий газдан бир қанча турдаги полимер материаллар (полиэтилен, поливинхлорид ва ҳоказо), нитрил-акрил кислотаси, нитрон толаси ва бошқа бозори чаққон маҳсулотлар олиш мумкин. Ёки капролактандан полиамид-6, нитрондан янги маҳсулотлар олиниши, бугун миллион тонналаб бекор ётган каолин қазилмаларини олиб кўрайлик... Кўп сармоя сарфламасдан, янги технологияни амалиётга тадбиқ этиш, технологик циклни ниҳоясига етказиб, катта самара олиш мумкин бўлган мисолларни бошқа соҳалардан ҳам топса бўлади.

Модомики, мана шундай кучли базага эга эканмиз, биз экспорт салоҳиятимизни мустаҳкамлаш муаммосини бартараф этишга жиддий киришишимиз керак. Шу маънода экспортни рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилган Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш махсус давлат программасини ишлаб чиқиш зарур.

Экспортни ривожлантиришда катта натижаларга эришганларни ҳар йили миллий мукофотлар билан тақдирлашни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Экспорт-импорт суғурта компаниясини ташкил этиш билан четга мол чиқарадиган хўжалик субъектларини ҳимоя ва суғурта қилишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш зарур.

Яна бир муҳим, устувор масала. 1997 йилда биз яхши, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур-менежерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Биз бугун ш



Шундай бир сермазмун замонда яшаяпмизки, ҳар кун, ҳар ойда юз бераётган воқеаларнинг моҳиятини теран англаш муҳим аҳамиятга эга. Олтинчи йилини бошидан кечираётганимиз истиқлолнинг ўзи улуғ бир тарих. Истиқлол халқимиз тақдирини ўзгартирди, бизни янги дунёга олиб чиқди, ягона, яқдил миллат сифатида шакллантирди, ўз давлатимиз, сиёсатимиз, шарафнома ва зафарномаларга тўлиқ шонли тарихимиз, тилимиз, динимиз, обрў-эътиборимизнинг қайта тикланишига асос бўлди.

МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИ

Истиқлол берган маънавий неъматлар ва у туфайли ўзлигимизни англашимиз, тикланиш ва ўнгланиш сари қўйилган улуғвор қадамлар, теран илдизларимизни ўрганиб, жилд-жилд китоблар ёзиш, қомуслар, фундаментал тадқиқотлар яратиш, шоён ҳақиқатларни халқ онгига сингдириш пайти келди. Кувонарлиси шуки, бу борада кенг китобхонлар эҳтиёжига мос тушадиган дастлабки асарлар яратилди ҳам. Мен «Ватан туйғуси» китобини назарда тутяпман («Ўзбекистон» нашриёти, 1996). Асар таниқли адибларимиз Абдуқаҳҳор Ибраҳимов, Хайриддин Султонов ва Нарзулла Жўраев қаламига мансуб.

Аввало шуни айтайки, китоб камоли қизиқиш билан ўқилади ва ҳар бир киши ундан бир олам таассурот олади. Маънавият ҳақида мана шундай яхлит, қомусий характердаги китоб айни ҳозирги пайтда биз учун зарурдир. Китоб мундаригжасига қарасангиз, барчаси таниш сўзлар бўлиб туюлади. Дарҳақиқат, руҳ, жон, иймон, эътиқод, ҳамият, ор, ҳаё, тафаккур, истеъдод, даҳо, аждод, қабила, маърифат ва ҳоказо шунга ўхшаш одам фарзандининг фазилатини белгилайдиган ва жамият бўлиб яшаш қонда-қонунлари ҳисобланадиган тушунча ва ибораларни кўп марта эшитганмиз, қалин-қалин китоблардан ўқиганмиз. Бирок «Ватан туйғуси» китобини ўқиб чиққан киши бу тушунчалар моҳиятини янгидан кашф этади. Чунки муаллифлар одамийлик хислатлари ҳақида оддий маълумотлар бериш, изоҳлаш йўлидан борган эмаслар, балки содда ва шавқли, таъсирчан тил билан ёзилган баённомалар (манифестлар)ни тақдим этганлар. Китобни ўқиган кишининг фикри ортиб, билими кенгайишдан ташқари, қалби ва шуури ҳам тўлишади.

Энг асосийси шундаки, бу тушунчалар мустақиллик тафаккури билан ёритилган, миллатимиз, халқимизнинг ажиб хислатлари, ардоқли сифатлари, тарихан шаклланган, ички маданиятидан келиб чиқадиган фазилатлар тарзида талқин қилинган. Зеро, шўролар тузуми даврида орият, ватан, миллат, дўстлик, халқ, мафкура, маънавият ва ҳоказо сўзларнинг маноси бузиб талқин қилинар, мустамлакачилик ниятларига мос қилиб тушунтириларди. Шу боис «Ватан туйғуси» асари муаллифлари мафкура ва маънавиятга оид жамики тушунчаларнинг асл қадимий маъносини тиклаш ва буни ўқувчиларга тушунтириш вазифасини қўйганлар.

Бу китобни шунинг учун ҳам бемалол маънавият сабоқлари дейиш мумкин. Ёки аср бошида халқимиз маърифатга раҳнамолик қилган ватанпарвар зиёлиларимизнинг «Саводи аввал», «Муаллими аввал» каби кенг оммага таълим берувчи асарлар сифатида баҳоласа ҳам бўлади. Чунки маънавиятни маърифатдан ажратиб бўлмайди. Даставвал бу тушунчаларнинг ўзини ҳам яхшилаб билиб олиш керак шекилли. Дарҳақиқат, маънавият нима, унинг таркибий қисмлари нимадан иборат, маънавиятнинг мафкурадан фарқи борми, маърифат ва маданият, миллат ва саводхонлик, ўз-ўзини англаш қаердан пайдо бўлади, нимадан сув ичади бу руҳият дарахти?

Мазкур саволларга жавоб бермасдан, моҳиятларини теран англамасдан умумий гапларни гапириб юришимизнинг ҳожати йўқ. Ҳолбуки, айрим кишилар маърифат ва маънавият нима эканлигини билмайдию, аммо бу ҳақда минбарларда кўпириб «нутқ» сўзлайдилар. Айни шунинг учун ҳам «Ватан туйғуси» китоби богча болаларидан тортиб, алломаю файласуфларгача керак деб ҳисоблайман.

Китобда мулоҳазалар, сўз, гап, тил каби «ибтидоий» тушунчалар шарҳи билан бошланган ва ҳатто қалам, қоғоз, руҳ, жон сингари тушунчалар ҳам фалсафий-публицистик усулда шарҳланган. Жуда тўғри. Чунки инсоннинг инсонийлиги шу тушунчаларни қадрлашдан бошланади. Маънавият деган улкан иморат шу пойдевор асосида қурилади. Бунинг устига, бизнинг аждодларимиз ёзув ва қоғоз, қалам ва китоб ижодкорлари -- жаҳон цивилизациясини вужудга келтирганлармиз, ахир. Ота-оналаримиз ёзувни, қоғоз-қаламни муқаддас нарсалар деб билардилар, уни макруҳ этишни гуноҳ ҳисоблардилар. Оллоҳ таоло инсонни яратишдан олдин сўзни, қаламни яратди, инсон ўзлигини йўқотмаслиги учун Каломуллоҳни -- муқаддас Китобни юборди, демак маънавият ҳақидаги энг мураккаб илмий баҳслар, «оламшумул» назариялар, мураккаб ғоялар ҳам аввало шу «содда» тушунчаларни англащдан бошланади. Маънавият жамики ижобий хислатлар, тафаккур тарзимиз, ҳаётга муносабатларимизни, Ватан, тарих, миллат, халқ, халқнинг бугуни ва эртасини, истиқлол моҳиятини англашимизни ҳам ўз ичига олади. Биз ким эдик, кимсиз ва ким бўлмоқчимиз? Буни англамаган одам ўз халқининг тақдири, равнақи ҳақида қайғурмаган киши маънавият, маънавий баркамоллик нима эканлигини англаши қийин.

Аммо китоб фақат публицистик руҳдаги фикрлар тизимидан иборат эмас. Муаллифларнинг илмий хулосалари, таҳлили ҳам жойида. Лекин ушбу хулосалар лўнда, қисқа ва асосли тарзда баён этилган. Яна бир фазилатни қайд этиш керак: китобда муаллифларнинг ўз муносабати ярқ этиб кўзга ташланади. Бу тўғри ҳам, албатта, шундай бўлиши керак. Зеро, қуруқ, таъсирсиз «назария», илмий баҳсларни кучайтириш мумкин, бирок улар оммани жалб этолмайди, юракка бориб ўрнашмайди. Ҳолбуки, яна такрорлайман, мазкур китоб кенг оммага мўлжалланган. Муаллифларнинг жонли мушоҳадалари, содда ва теран фикрларга қанот бағишлаб, миллат ва халқ, мустақиллик ва мустақил тараққиёт, дунё ва ўзбеклар масалалари, аждод ва авлод, илдиз ва шохлар, орият ва номус, шон-шуҳрат ва наслу насаб масалаларини бир қизғинлик билан ёритиб берганлар. Китоб бошидан охиригача мустақиллик руҳида ёзилган. Дарҳақиқат, «мустақиллик», «истиқлол» сўзларини ҳеч бир ҳаётий такрорлайвериш яхши эмас. Бу сўзлар муқаддас сўзлардир. Бошқа гап, агар биз билим ва фаолиятимиз билан, савиямиз ва даражамиз билан истиқлол мазмунини англаб етсак ва унга хизмат қилсак. Китобда ана шундай йўл тутилган, мустақилликнинг гавҳари нима экани тушунтирилган. Бунинг учун бобдан-бобга ўтган сари, мустамлака асоратининг фожиали оқибатлари кучлироқ фош қилинади, коммунистик ғоялар тагидаги мудҳиш ниятлар очилади, марксизм-ленинизм ақидаларининг ҳаётга зид эканлиги кўрсатилади.

Китоб уч қисмдан иборат. Биринчи қисм «Бир шода марварид», иккинчи қисм «Теран томирлар», учинчи қисм «Истиқлол шижоати» деб номланган. Агар таъбир жоиз бўлса, биринчи қисмда халқимизнинг макоримул ахлоқи ва асил хислатлари (менталитети), иккинчи қисмда неча минг йиллик жонли тарихнинг зарварақ саҳифалари хулосаси, бир-бирига уланиб келган салтанатлар ва маданиятлар силсиласи ёритилиб, учинчи қисмда истиқлол тарихи ва янги маънавият, янги тафаккурнинг шаклланиш жараёни очиб берилган. Шу тарзда, тарих шукуҳи, маънавият илдизлари билан бугунги кечаётган воқеаларга уланади. Қадимги анъаналар билан янги мустақил давлатимизнинг узвий боғлиқлиги кўрсатилади. Биринчи ва иккинчи қисмда баён этилган фикрлар учинчи қисмда янги мазмун билан тўлдирилиб таҳлил қилинган. Масалан, дин, ватан, истиқлол мафкураси, миллат, адолат, демократия, шарқона давлатчилик тушунчалари ҳақида аввалги бобларда ҳам, кейинги бобларда ҳам тўхталган бўлсада, лекин улар бир-бирининг такрори эмас, балки мақсад ушбу тушунчаларнинг мустақиллик даврида янги мазмун олганлигини кўрсатишдир ва бу тўғри ният. Масалан, китобнинг биринчи қисмида келтирилади: «Бизнинг назаримизда, истиқлол мафкураси асрий миллий қадриятларимизга ва янги вужудга келган ва келаётган, халқимизнинг бугунги ва келажагидаги манфаатларини ифодалайдиган фикрларга, халқ тафаккурига асосланиши лозим» (119--120 бетлар). Бу жуда тўғри таъриф. Миллий мафкура жаҳон илм-фани, мутараққий дунё тафаккури фонида халқимизнинг салоҳияти ва маърифий-маънавий даражаси, ўзига хослигини кўрсатиб туриши керак. Бу эса, шубҳасиз, кўп асрлик қадриятлар заминида шаклланиб боради. Китобнинг учинчи қисмининг биринчи бобида эса мустақиллик тафаккури тамойиллари нимадан иборат эканлиги кенгайтириб тушунтирилади. Мустақиллик, ҳуррият биринчи галда одамлар онгида эркинлик, эркин фикр ҳиссини, ўзини жонажон Ватанининг бир қисми деб билиб, шу Ватан манфаати учун фаолият кўрсатиш, уни ҳимоя қилиш қудратини барпо этишда намоён бўлди. Шу боис китобга «Ватан туйғуси» деб ном қўйилганини ўринли деб билмоқ керак. Зеро, маънавиятимиз сарчашмаси, мафкурамизнинг тамал тоши ҳам ватанпарварликдир. Ватанни севмаган одамни қандай қилиб маънавиятли, маърифатли дейиш мумкин? Бутун таъриф-тавсифлар, руҳиятимиз шаклу шамойили шу тушунча ичида очилади. Кишининг одамийлиги, қайси халққа мансублиги, ишки, муҳаббати, завқи-шавқи, диди ва ҳоказолар барчаси «ватан» тушунчаси билангина изоҳланиши мумкин. Ватанпарварлик -- маънавиятимизнинг ўзак-ўзагидир. Китобда бу ҳақда жуда мазмундор, тўлқинлантирувчи ва юракда нақшланиб қолувчи гаплар бор. Муаллифлар миллат ва халқ тушунчасини ҳам шу ватан тушунчаси билан боғлаб таҳлил этганлар. Натижада, «ўзбек» миллати ким деган саволга биринчи марта нисбатан тўлиқ жавоб берилган, деб ўйлайман. Халқнинг тарихи, шаклланиш жараёни, салоҳияти ёритилади. Ўзбекистоннинг буюк йўлбошчимиз И. Каримов раҳбарлигида қўлга киритилган маънавий ютуқлари умумлаштирилиб, ойдин йўлимизнинг нурафшонлиги акс эттирилади, истиқлол тарихининг ўзи жасоратларга тўла ибратли тарих эканлиги очиб берилади.

Дарҳақиқат, истиқлол-жасорат. Бунинг чуқур маноси бор. Биринчидан шуки, истиқлолни қўлга киритиш осон эмас. Бу ўз юртбошиси атрофига жипслашган халқимизнинг жасорати. Иккинчидан, Президентимиз Ислом Каримовнинг аввал бошидан бошлаб таҳликали, хавфу хатарли дамларда ҳам мардона туриб тўғри ва оқилона сиёсат юргизиб, мамлакатни ойдин йўлга олиб чиққанлигидир.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий ривожланиш тамойиллари, ислоҳотлар назарияси ҳам, янги маънавият ва мафкурамиз концепцияси ҳам, кўриб турганимиздай, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу шоён бир ҳақиқат.

Умуман олганда, инсоният тарихи шуни кўрсатадики, буюк бурилишлар, халқ тақдири Ватан тақдири ҳал бўладиган чўнг даврлар салоҳиятли, улуғ раҳбарлар, давлат арбобларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун китобда истиқлол даври тарихи, давлатчилигимиз салоҳияти, тараққиёти, қўлга киритилган оламшумул ютуқларнинг юртбошимиз номи билан боғлаб талқин ва таъриф этилишини одилона тадқиқот йўли деб билмоқ керак. Ахир сиёсат ҳам ижод, кудратли Тафаккурнинг мамлакат ва халқ тақдирини ўйлаб амалиётга, буюк келажакка йўналтирилган ҳар кунги тинимсиз ижодидир. Шунинг учун ҳам «Ватан туйғуси» китоби Истиқлолга бир шарафнома тарзида ўқилар экан, мустақилликка хизмат қилиш, Ватан, Миллат, Тараққиёт тушунчаларини қонимиз ва жонимиздан ўтказиб, Ўзбекистонга муносиб фарзанд, иродали, иймонли фуқаро бўлишга даъват этади. Ва айни шу жиҳатлари билан бу асар катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга деб ўйлайман.

Н. КОМИЛОВ.

ФАРМОН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари иштирокидаги бу йиғилишда республика Президенти 1995 йил 12 майда қабул қилган «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони жойларда қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасидан хабар беришларича, Бош прокурор ўринбосари Б. Бекмирзаевнинг ана шу масала хусусидаги ахбороти тингланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар прокурорлари ҳам ҳисобот бердилар. Ҳисоботлардан Президентнинг мазкур фармони ижроси жойларда қониқарли даражада эмаслиги маълум бўлди. Йиғилишда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди ва қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Агар Европа Иттифоқи кенгаядиган бўлса, мазкур ҳамжамиятга дастлаб қабул қилинадиганлар рўйхатидан жой олиш учун Эстонияда барча имкониятлар мавжуд. Бу ҳақда мамлакат Президенти Леннарт Мери Эстония Республикасининг 79 йиллиги муносабати билан уюштирилган қабул маросимида баёнот берди. «Бироқ бу имконият, аввламбор, иқтисодий имкониятимиз биз учун Европа Иттифоқи эшигини очади, холос. Унга кириб бориш учун эса ҳали жуда кўп ишларни амалга оширимиз керак», деди Президент.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Буюк Британия, Франция ва Нидерландлар мамлакати бўйлаб сафарга чиқди. Ташриф чоғида у ушбу мамлакатлар давлат раҳбарлари, Бош вазирлари ва бошқа ҳукумат аъзолари билан учрашади, деб хабар тарқатди БМТ Бош котибининг вакили Фред Экхард. Шунингдек, Гаагада Кофи Аннан халқаро суд ва трибуналнинг собиқ Югославия бўйича амалга ошираётган ишлари билан танишади.

Озарбойжон Республикаси парламенти Каспий денгизи тубидаги нефть конларини қидириш ва ўзлаштириш бўйича тузилган шартномани ратификация қилиш масаласини муҳокама этмоқда. Мазкур шартнома ўтган йилнинг декабрь ойида Озарбойжон нефть компанияси билан халқаро консорциум ўртасида имзоланган эди. Консорциумга АҚШнинг «Амоко» ва «Юнокал» компаниялари, Японияннинг «Иточу» корпорацияси ҳамда Саудия Арабистонининг «Делта» компанияси киради. Шартнома низоми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

НАТОнинг кейинги 13 йил давомидаги кенгайиш жараёни 27--35 миллиард АҚШ долларини талаб қилади. Бу маблағнинг аксарият қисми НАТОнинг янги аъзолари ҳамда АҚШ иттифоқчилари чекига тушади. АҚШ давлат котибининг Европа ва Канада ишлари бўйича ёрдамчиси Жон Корнблю журналистларга конгресснинг НАТО бўйича тайёрлаган маърузаси ҳақида маълумот берар экан, ана шуларни айтган.

Япония кўчаларида.

Эрон Ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан тожик бирлашган мухолифати ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасига юқори баҳо берди. «Тожикистон заминида барқарор тинчлик ўрнатилиши энди ушбу ҳафта якунида Москвада бўлиб ўтадиган навбатдаги -- ҳал қилувчи музокаралар босқичига боғлиқ», деди Эрон Ташқи ишлар вазири тожик бирлашган мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий билан суҳбатда.

Эрон газеталарининг ёзишича, Машҳаддаги учрашув Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш йўлидаги тожикларо музокараларнинг ҳал қилувчи босқичи бўлди. Томонлар миллий яраш комиссияси тузиш, Тожикистоннинг бўлажак ҳукуматини ташкил этиш каби асосий масалаларда бир келишувга келган.

Фаластин мухторияти билан Европа Иттифоқи ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳамда мунтазам сиёсий мулоқотлар ўтказиш бўйича битим имзоланди. Брюсселда имзоланган мазкур ҳужжат вақтинчалик бўлиб, у 5 йилга мўлжалланган. Битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш масаласи эса Қуддус шаҳрининг мақоми тўла аниқлаб олингандан кейин кўриб чиқиладиган бўлди.

Албаниянинг Влера шаҳрида очлик эълон қилган 50 нафар талабанинг тўрт нафари оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Талабалар аҳоли жамғармаларининг «қуйиб кетиши»да ҳукуматни айблаётир. Улар Албания Президенти Сали Беришидан ҳукуматни тарқатиб юборишни талаб қилмоқда.

Покистон ҳукумати Ҳиндистоннинг «Притхви-2» русумидаги баллистик ракеталар ишлаб чиқараётгани ва синовдан ўтказаётганидан жиддий ташвиш билдирди. Покистон Ташқи ишлар вазирлиги эълон қилган расмий баёнотда Ҳиндистоннинг бу борадаги ҳаракатлари Осиё қитъасида жойлашган давлатларнинг тинчлик ва барқарорлигига катта путур етказиши мумкинлиги таъкидланади. Шунингдек, унда мазкур ракеталар Покистоннинг аҳоли зич жойлашган ҳудудлари ҳамда йирик иқтисодий ва ҳарбий объектларига қаратилиши ҳам таъкидланган.

Японияннинг Симане префектурасида мамлакатга ноқонуний йўл билан кирган 55 нафар ажнабий ушланди. Текширув натижасида аниқланишича, уларнинг 38 нафари бангладешлик, 15 нафари покистонлик, қолган иккитаси эса Эрон фуқароси экан. Улар Японияга Жанубий Корея орқали келишган.

(ЎзА).

2 МАРТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БМТга АЪЗО БЎЛИБ КИРГАНИГА БЕШ ЙИЛ ТЎЛАДИ

БМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН

- **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши.**
- **Унинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари.**
- **Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзо бўлиб кириши.**
- **БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар.**
- **Мамлакатимизнинг БМТдаги мавқеи.**
- **Ўзбекистон -- минтақавий хавфсизликни таъминлаш ташаббускори.**

ХАЛҚАРО БИРЛАШУВ ТАЖРИБАЛАРИ

Илгари замонларда ҳам турли донишманд зотлар қандайдир халқаро уюшмалар тузишга эҳтиёж борлигини айтганлар. XIX асрга келиб эса Жаҳон метеорология ташкилоти (1837), Жаҳон почта иттифоқи (1847), кейинчалик Халқаро электр алоқаси иттифоқига айлантирилган Жаҳон телеграф иттифоқи (1865), бевосита давлатлараро сиёсий масалалар билан шуғулланган Гаага Конференциялари (1899, 1907) каби дастлабки халқаро ташкилотлар юзага келди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида дунёда йигирмага яқин халқаро ташкилот фаолият кўрсатар эди.

1903 йили Монакода қирол Альберт ташаббуси билан Халқаро тинчлик институти таъсис этилди. Тарихчилар уни кейинчалик ташкил топган Миллатлар Лигасига асос бўлди, деб ҳисоблайдилар. 1915 йили Англияда урушга чек қўйиш тўғрисида лойиҳа ишлаб чиқилди. 1919 йилнинг 28 апрелида эса Миллатлар Лигасининг Низоми қабул қилинди. Бу халқаро уюшма 1946 йилга қадар мавжуд эди. Кейин ўз-ўзича тарқаб кетди.

УРУШ САБОҒИ

Ҳар қандай уруш -- инсоният бошига битган бало. Одам Ато замонларидан буён кишилар тинчлик ва хотиржамлик истайди. Шунинг учун уруш хавфи бор жойда унга қарши кураш ҳам давом этаверади. Олдини олишнинг имкони бўлмай қолган пайтлардагина уруш бошланиб кетади.

XX аср биринчи ярмида юз берган Иккинчи жаҳон уруши эса башарият бошига шу қадар кулфатлар ёғдирдики, энди халқлар урушларни келтириб чиқармаслик учун ўзаро бирикиб ҳаракат қилишдан бошқа йўл йўқлигини тушуниб қолдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш ғояси ҳам Иккинчи жаҳон урушининг қонли жараёнлари ичра туғилди.

БМТ расман 1945 йилнинг 24 октябрида ташкил топди. Унга дастлаб 50 мамлакат аъзо бўлиб кирди.

МАҚСАД ВА ВАЗИФА

БМТ олти асосий идора -- Бош ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, Халқаро суд ва Котибиятга эга.

БМТ, Низомида қайд этилганидек, ўз олдига халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, агрессияларга ёки тинчликни бузадиган барча уринишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, миллатлар ўртасида тенглик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш қатъиятларини ҳурмат қилган ҳолда дўстона муносабатлар ўрнатиш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсонпарварона соҳаларда ҳамкорликларни амалга ошириш, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, инсонларнинг тенг ҳуқуқка ва озодликка эга эканидан келиб чиқиб, миллатларнинг ана шу мақсадларга эришувида марказий ўрин тутишга интилишдан иборат.

Ҳозир жаҳондаги 185 давлат БМТ аъзоси ҳисобланади.

ТЕНГЛИК ҲУҚУҚИ

Мустақиллик бизга жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни топишимиз учун имкон яратди. Истиқлолимиздан ярим йил ўтар-ўтмас мамлакатимиз тарихида улкан сиёсий ҳодиса юз берди. 1992 йил 2 мартида Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлиб кирди. Шу кундан эътиборан БМТ Бош ассамблеяси иморати олдида давлатимиз байроғи ҳилпирай бошлади. Биз тарихан қадим давлатчиликка эга бир халқ сифатида яна қайтадан жаҳон сиёсий майдонида бўй кўрсата бошладик. Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бевосита бизнинг ҳам иштирокимизда ҳал этиладиган бўлди.

Ўзбекистон энди жаҳон сиёсий майдонида тенг ҳуқуқли бир суверен давлат сифатида халқаро муаммолар ечимида қатнашиши, у ёки бу масалада ўз нуқтаи назарини ўртага қўйиш имконини қўлга киритди.

Мамлакатимиз тез фурсатда бу халқаро ташкилот билан амалий ҳамкорлик бошлаб юборди. Ўзбекистон бирин-кетин қўйгина салмоқлик таклифларни ўртага ташлади. Энг муҳими, биз илгари сураётган фикр-ғоялар жаҳон майдонида обрў-эътибор топа боряпти.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

1993 йил 28 сентябрида БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, жаҳон жамоатчилиги фикрини минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлиги масалаларига жалб этди. У, жумладан, БМТнинг хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича семинарини чақириш, БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳузурида халқаро зиддиятларни таҳлил этиш юзасидан махсус гуруҳ тузиш, Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд деб эълон қилиш, бу даҳшатли қуролни батамом йўқотиш, Марказий Осиёда гиёҳванд моддалар савдосига қарши биргаликда курашиш, шунингдек, Орол муаммоларини ҳал этиш бўйича БМТнинг махсус комиссияларини тузиш каби таклифларни ўртага ташлади.

Ўзбекистон бошидан халқаро муаммоларни урушлар йўли билан ҳал этишга тиш-тирноғи билан қарши чиқиб келяпти. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури давлатимиз томонидан ҳам имзоланиши бунинг ёрқин далили бўлди. Республикамиз, шунингдек, БМТнинг кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш ва қўллашни тақиқлаш ва уни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенциясини ҳам имзолади.

1996 йили БМТ ва Ўзбекистон муносабатлари янада жадаллашди. 5-23 февраль кунлари мобайнида мамлакатимизда И. Попеску бошчилигидаги БМТнинг Тараққиёт дастури экспертлари ҳайъати ишлади. Ҳайъат аъзолари турли давлат ва жамоат ташкилотлари, партиялар, халқаро тузилмалар, хорижий элчиҳоналар вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашдилар.

Ўтган йилнинг 29 февраль -- 1 март кунлари БМТнинг қочқинлар бўйича Олий Комиссар Бошқармаси қарорғоҳининг Жанубий-шарқий Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақалари бўйича бюроси директори Шамсул Барий Ўзбекистонда бўлди. Суҳбатлар чоғида директор ўзи бошқараётган бюро инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш ишларида машваратий (консультатив) ёрдам кўрсатиш мумкинлигини билдирди. БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий Комиссар Бошқармаси махсус маслаҳатчиси К. Сасаев бошчилигидаги ҳайъати сафари (1996 йил, 24 июнь) чоғида ҳам худди шундай ёрдам кўрсатиш истаги изҳор этилди.

БМТ қочқинлар иши бўйича Олий Комиссар Бошқармаси катта ҳуқуқий маслаҳатчиси Ф. Абулмажид республикамизга келди (1996 йил, 5-14 август). У мамлакатимиз ташқи ишлар, адлия, ички ишлар, халқ таълими вазирлари, Бош прокурори, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича мутасадди вакиллари билан учрашди. Ана шу суҳбатлар чоғида республикамизга ҳуқуқ ҳодимлари тайёрлаш ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича нашрларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

1996 йил 17--19 июль кунлари Тошкентда БМТнинг Халқаро ҳуқуқий ва молиявий муаммолар бўйича тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиши масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўтган йилнинг 6-9 октябрь кунлари БМТ Бош ассамблеясининг 51-сессияси бўлди. Унда республикамиз ташқи ишлар вазири бошчилигидаги ҳайъат ҳам қатнашди.

ТОШКЕНТДА ВАКОЛАТХОНА

БМТ ташкил топганига роппа-роса 48 йил тўлган куни -- 1993 йилнинг 24 октябридан бошлаб Тошкентда БМТнинг бирлашган ваколатхонаси ишлаб турибди. Ўзбекистонда бу халқаро ташкилотнинг талай бўлинма, жамғарма, дастурлари, жумладан, Тараққиёт дастури, Қочқинлар иши бўйича Олий Комиссар Бошқармаси, Афғонистондаги қочқинларга ёрдам бериш бўйича Олий Комиссар Бошқармаси (Термиз шаҳрида), Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ишини мувофиқлаштириш дастури, Саноатни ривожлантириш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Жаҳон банки, Жаҳон озиқ-овқат жамғармаси, Гиёҳвандларни назорат қилиш бўйича дастур, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхоналари фаолият кўрсатяпти.

ЮНЕСКО ВА ЎЗБЕКИСТОН

Таълим, маданият ва фан қўмитаси, яъни ЮНЕСКО БМТ тизимидаги нуфузли халқаро муассаса ҳисобланади. ЮНЕСКО ва Ўзбекистон муносабатлари ниҳоят даражада яхшиланиб боряпти. Президент Ислом Каримов 1996 йил 21--24 апрель кунларидаги Франция ташрифи жараёнида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор билан учрашди. Учрашувда мамлакатимизнинг бу бообрў халқаро ташкилот билан муносабатлари истиқболлари, жумладан, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳамда 1997 йили нишонланадиган Бухоро ва Хива шаҳарлари 2 минг 500 йиллиги тантаналарида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши вакилларининг иштироки масалалари муҳокама қилинди. Президентимиз 24 апрелда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида қатнашиб, сўзга чиқди. Шу куни ЮНЕСКО қарорғоҳида «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмаси очилди.

ХАЛҚАРО СИЁСАТ ХАЛҚАСИ

Қўшни Афғонистондаги ҳолат XX асрнинг қонли ва узоқ чўзилган зиддиятларидан бири ҳисобланади. Бу можарони БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар аралашувисиз ҳал қилиш мушкул. Шунинг учун ҳам БМТ ва Ўзбекистон муносабатларида Афғонистондаги вазият асосий масалалардан бўлиб келяпти. Бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан жаҳон ҳамжамиятининг бу мамлакатдаги вазиятга диққат-эътибори қучайди.

Ўзбекистон Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришга қарши эмбарго эълон қилишда ташаббускор бўлди. 1996 йилнинг 22 октябрида БМТ Хавфсизлик кенгаши Афғонистон бўйича махсус резолюция ҳам қабул қилди. Унда Ўзбекистон ва бошқа манфаатдор мамлакатлар нуқтаи назари акс этди. Эмбарго эълон қилиш таклифини АҚШ, Эрон, Покистон, Россия ва бошқа давлатлар вакиллари маъқулладилар.

1996 йил 18 ноябрида БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийнинг ташаббуси билан Нью-Йоркда 19 мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон, шунингдек, Ислом Конференцияси Ташкилоти иштирокида Афғонистон масалаларига бағишланган машварат учрашуви бўлди. Бу БМТ доирасида бўлган Афғонистонга бағишланган биринчи кенгаш ҳисобланади. Учрашувда бу мамлакатда гиёҳванд моддалар тарқатиш ва терроризм авж олаётгани, нақлиёт-коммуникация лойиҳаларини тезроқ амалга ошириш, бунинг учун эса тинчлик ва миллий яраш ўрнатиш зарурлиги таъкидланди. Кўпчилик тарафидан БМТ раҳнамолиги остида Афғонистон бўйича конференция ўтказиш ғояси илгари сурилди.

1997 йилдан Кофи Аннан БМТ Бош котиби сифатида иш бошлади. Мамлакатимизнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишдаги саъй-ҳаракатлари давом этяпти. 22 январь куни Президент Ислом Каримов БМТнинг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари Норберт Холлни қабул қилди. Бу учрашувда ҳам қўшни давлатдаги вазият муҳокама этилди, бу борада амалга оширилиши зарур ишлар ҳақида сўзлашиб олинди.

Хуллас, ўтган беш йиллик қисқа фурсат ичида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бугун мамлакатимиз, хусусан, унинг пойтахти халқаро сиёсатнинг муҳим халқаларидан бири бўлиб қолди.

БМТ ва Ўзбекистон муносабатларининг кучая бориши бизнинг жаҳон сиёсати майдонидаги мавқеимизни кўрсатиб туради. БМТда давлатимизни минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги, бутун дунёда тинчлик бўлиши тарафдори сифатида биладилар.

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётгани, бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик жамият барпо этиш борасида туб ислоҳотлар олиб борилаётгани энг мўътабар халқаро ташкилотда юксак қадрланади. Чунки бизнинг йўлимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва вазифаларига мос келади.

Султоимурод ОЛИМ.

ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ

СОҲИБҚИРОННИ ТАНИШ

Республикамиз пойтахтида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Наврўз--97» театр санъати фестивали ўз ишини якунлади. Туркий заминда марказлашган давлат пойдеворини яратган зотнинг бадиий саҳна сиймосини яратиш йўлида илк уринишларни кўздан кечиришга бағишланган мазкур анжуман кутилган натижаларни берди, дейишимизга асос бор.

Аввало фестиваль репертуари бой ва хилма-хиллиги билан эътиборни тортади: анжуманда ўн битта нодир асар бўйича яратилган спектакль билан ўн тўртта ижодий жамоа иштирок этди. Буларнинг орасида биз Қозоғистон ва Қирғизистондан келган театр жамоаларини ҳам кўрамизки, уларнинг иштироки санъат байрамига ўзгача шукуҳ бахш этиб, «Туркистон умумий уйимиз» тушунчасини яна бир бор тасдиқлаш билан баробар унинг яратувчисининг саҳна қиёфасини гавдалантиришдан ўзлари ҳам манфаатдор эканликларини кўрсатди. Қозоғистонлик санъаткорларнинг драматург Исроил Сафарбойнинг «Амир Темур» пьесаси асосида яратилган спектакли фикримиз исботидир.

Яна бир муҳим ҳолатни эслатиб ўтиш ўринли: Сирдарё вилоят театри жамоаси фестивалда машҳур озарбойжон драматурги Ҳусайн Ҳовидниг йигирманчи йилларда ёзилган «Амир Темур» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакли билан қатнашди. Адиб ўша давр дардаёқ Соҳибқиронни буюк саркарда ва адолатли тахт соҳиби эканини алоҳида таъкидлаган. Бинобарин бу нуқтаи назар бизни Темур шахсига бўлган ҳозирги қарашларимизга мос келади.

Маълумки, Амир Темурнинг жонли қиёфасини яратиш ниҳоятда шарафли, айни вақтда ўта масъулиятли. Бунинг устига мавзуга илк бор мурожаат этилаётгани, биронта тажрибанинг йўқлигини эътиборга олсак, вазифанинг мураккаблиги яна ҳам ойдинлашади. Лекин мустақиллик, айниқса, Президентимизнинг Амир Темурга нисбатан муносабати ва давлатимизнинг Соҳибқирон юбилей тантаналарини ўтказиш бўйича қабул қилган қарори ҳамма ижодкорлар қатори саҳна санъати жамоаларини ҳам руҳлантириб юборди. Фестивалга тақдим этилган спектакларнинг ҳаммасида ана шундай руҳ, байрамона кайфият мавжуд. Бу кайфиятни ҳар бир жамоа ўз спектаклида ўзича намоён этади ва муҳими, бу кайфият, талқин ва баён руҳияти бир-бирига ўхшамайди. Ана шу ўзига хосликнинг мавжудлиги фестиваль репертуарига алоҳида тароват бахш этди. Чунончи, Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри намойиш этган бир пардали опера лирик тантанавор қасида жанрида яратилган. Асар мусиқаси (композитор А. Икромов), артистлар ижроси, саҳна безаклари, усти-бошлар бир-бирига муносиб равишда улуғвор гавдаланиб, Соҳибқирон салобати, салобатига ярашиқли шахсий бахти, муносиб ёри Сароймулк хоним шаънига тасанно мазмунида жаранглайди.

Мазкур мавзу -- Соҳибқирон ва Сароймулк хоним мавзуи Юлдуз Исматованинг саҳна санъатимизда янгилик бўлиб туғилаётган «Тановар» рақс театрининг «Темурий маликалар» (композитор А. Икромов) спектаклида давом этади ва чуқурлашади.

Соҳибқироннинг орзуларидан бири бўлмиш халқлар, элатларни бирлаштириш, ўзаро алоқа ва муносабатларни бир занжирга тизгандек тартибга солиш, низоларга барҳам бериш ғояси Аброр Ҳидоятов номидаги театрнинг «Ипак йўли» спектаклида сўзсиз, фақат мусиқа (композитор М. Бофоев), ижрочилар хироми, безак ва нур воситаси билан баён этилади. Бу таъсирчан, гўзал спектаклнинг пайдо бўлишида тутилган йўл ҳам янгича, у нафақат фестиваль, балки умумсаҳна санъатимизга бойлик бўлиб қўшилди.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат театри жамоаси А. Ориповнинг шеърий драматик достони асосидаги «Соҳибқирон» спектаклини фестивалга совға қилди. Мазкур пъеса яна уч театр-- Мирзо Бобур номидаги Қирғизистоннинг Ўш вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри, Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат театри, М. Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри томонидан саҳнага олиб чиқилган. Қорақалпоғистон ва Ўш театрлари эришган ижобий натижалар кўпроқ. Айниқса, Ўш театри бошқалардан фарқли ўлароқ саҳналарга босиқлик, салобат бахш этиш, айниқса, сўз устида ишлаш, сўзнинг маъносини томошабинга аниқ етказиб беришда катта ютуққа эришган.

Фестиваль шуни яна бир бор кўрсатдики, вилоят театрлари агар яқиндан мунтазам ёрдам бериб турилса, уларда муҳим ижодий масалаларни еча оладиган ижодий кучлар, режиссёр, айниқса, актёрлар топилади. Хусусан Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё театри шундай жамоалардан бири. Бу театр олиб келган «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» (муаллиф Қ. Абдунабиев) спектаклининг бошқалардан фарқи шундаки, бу ерда Боязид ҳақиқий Рум қайсари, кучли рақиб тарзида онгли равишда дадил талқин этилади. Темур эса нафақат баҳодирлиги, шу билан бирга заковати, ички қудрати туфайли ундан устун келади.

Сирдарё театрида саҳналаштирилган спектаклда Соҳибқироннинг кўп қиррали фаолиятини очишда ниҳоятда образли ва тушунарли ечим воситалари қўлланилган. Воқеаларни иморатлар, ҳавозалар, қурилишга режалаштирилган кошоналар макетлари оғушида кечиши бу ишга Соҳибқирон бошлиқ ҳамманинг, шу жумладан, сипоҳийларнинг ҳам иштироки Амир Темурнинг марказлашган Турон давлати пойдевори ва мамлакат узра Чингизийлар қолдирган кул тепалар ўрнида шаҳар ва кошоналарни барпо этаётганига ишорадир. Темурнинг саркардалик сифатлари ва лашкарларнинг қиёфа ҳамда салобатида, жанговар тартибни кўрсатиш юзасидан эришилган топилмалар томошабинда яхши таассурот қолдиради.

Эътиборга молик спектакллар орасида Фарғона мусиқали драма ва комедия театрининг «Амир Темур ва Тўхтамиш» спектакли ҳам бор. Фестиваль эришилган ютуқларимиз билан бирга жиддий етишмовчилик ва қусурларимизни ҳам очиқ-ойдин кўрсатди. Жумладан, драматургиямизнинг анча ночор аҳволда экани кўзга яққол ташланди. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, Мақсуд Шайхзода сингари забардаст дарга муаллифларнинг йўқлигидан бўлса, иккинчиси, янги ёш авлоднинг ўртача пъеса ёзишдан нарига ўтолмаётганидадир. Натижада театр, режиссёр ва ижрочилар ҳамон ижодий чанқоқлик жабрини чекмоқдалар. Театрлар билан ҳамкорликда ишлашга ёш адибларнинг имкони ҳам, шароити ҳам етишмаяпти. Муаллифнинг ўзини ишлатиб, баланд погонани кўзлаган Маннон Уйғурга ўхшаш режиссёрлар камёб экани афсусланарлидир. Театрлардаги моддий аҳволнинг ижодий изланишлар олиб бориш йўлида катта тўсиқлар яратаётганини эътиборга олсак масаланинг жиддийлиги анча ойдинлашади.

Зикр этилган камчиликлар ва нуқсонларсиз фестивалда эришилган ютуқлар янада салмоқлироқ бўларди. Булардан қатъий назар яратилган асарлар ва эришилган ютуқлар илк изланишлар сифатида байрам қилишга арзигулиқдир.

Тошпўлат ТУРСУНОВ,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

«МИЛЁН» БОБО ХОТИРАЛАРИ

Ғиждувон туманидаги Бобоғози қишлоғида 1897 йилда туғилган Абдурасул бобо Воҳидов яшайдилар. У кишига тенгдош оғайнилари «Милён» бобо деб лақаб қўйишган.

Сабаби энг яқин жўраларидан бири оёғидан яраланиб, Омск шаҳридаги госпиталга ётқизилади. У Абдурасул бобога «Менга жавоб берди, бу ердан олиб кет», дея мактуб жўнатади. «Милён» бобода эса йўлкирага пул йўқ. Нима қилиш керак? Отахон дарҳол бир халта туршак ва майда-чуйда олиб йўлга чиқади. Омскка етиб боргач, туршакнинг донасини бир сўмдан сотиб анча пул қилади. Абдурасул ота шундай қилиб ўзига лақаб орттириб олади. Гап лақабда эмас, албатта. Бу киши яқинда 101 ёшга қадам қўядилар. «Милён» бобо Бухоронинг сўнгги юз йиллик тарихини жуда яхши эслайди. Келинг, отахоннинг бизга сўзлаб берган ҳикояларига биргаликда қулоқ тутайлик. Зора, у баъзи бирларимизга астқотса, дейман.

-- Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон 1920 йилда ўз юртидан мажбуран қувилди. Бу босқинчилик ҳаракати «инқилоб» номи билан хаспўшлангани сир эмас. Агар амир Бухоройи шарифни ташлаб чиқмаганда аждодларимизнинг минг йиллар давомида тиклаган қадимий обидалари, осори-атиқалари бир кунда кунпаякун бўлиши мумкин эди. Шундоқ ҳам икки кун давом этган жангда «инқилоб»чилар Аркнинг учдан икки қисмини вайрон қилдилар. Минораи Калоннинг тепа қисми тўп ўқидан жароҳатланди. Булар кечагидек ёдимда.

Дарвоқе, 1920 йилларда кун кўриш анча оғирлашди. Мен онам ва опамни боқиш учун иш излаб юрардим. Бизни харобага айланган Аркнинг ичкари қисмида ишлашга олиб келишди. Қизил аскарлар менга ўхшаганларни ишга боришда ҳам, ишдан қайтишда ҳам текширишарди. Аниқроғи, у ердан тилла ёки тилла буюмлар олиб чиқмаслигимиз учун қўриқлашарди. Шўролар кўз ўнгимизда бир йил давомида Арқдан олтин ташидилар. Олтин ташувчилар орасида маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди. Улар хонадонларга кириб, тинч аҳолининг қўлидан ҳам қимматбаҳо буюмлар, тилла тақинчоқларни тортиб олишди. Бегуноҳ халқни хўрлаб, оёқости қилдилар. Биз учун мўътабар ва саждагоҳ ҳисобланган мадрасаю мачитларни ҳожатхонага айлантирдилар.

Ҳолбуки, болшовойлар 1917 йилда ҳам Бухорога ҳужум қилишгани ёдимда. Ўшанда босқинчиларга қарши амир аскарлари билан бирга бутун халқимиз курашга отланган эди. Паншаха, таёқ, болта, пичоқ ва ўроқлар билан қуролланган оддий халқ ғазаби уларнинг умидини пучга чиқарди. Шундан кейин Бухорога қилинажак ҳужум бир неча йил орқага сурилди.

Фарзандларимизга «босмачи»лар ҳақида кўп ва хўп гапиришди. Айтинг, ўз юртининг озодлиги учун курашганлар босмачими ёки ўзга юртга бостириб кирганларми? Биз ҳали юрти учун жон фидо қилган ларга ишониб, уйига қайтиб келади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас уни ушлаб оладилар. Полвоннинг кейинги тақдири нима билан тугагани номаълум... Уларнинг режаси фақат Жаббор Хўжайин учун қасос олиш эмас, балки юртни босқинчилардан тозалаш, топталган ҳақ-ҳуқуқни қайта тиклашдан иборат эди.

Сизга яна бир қизиқ далилни



кўплаб қаҳрамонларимизни билмаймиз. Масалан, Ғиждувон туманида Жаббор Хўжайин, Митан полвон ва мулло Қаҳҳорлар номи жуда машҳур эди. Халқ уларни ҳурмат қилиб ортидан эргашарди. «Янги тузум қураётган» кимсаларга бундай халқпарвар кишилар ёқмасди. 1923 йилмиди, Жаббор Хўжайинни «Сизни Бухорога чақиришаяпти» деб олиб кетишди. Ҳийла билан Ватанига содиқ йигит йўқ қилинди. Бундан ғазабланган Митан полвон ва мулло Қаҳҳорлар беш юз отлиқ билан Бухорога ҳужум қиладилар. Борган сари уларнинг тарафдорлари кўпайиб боради. Қизиллар енгилишини сезгач, яна макр йўлига ўтишади. Мулло Қаҳҳорга «Амир Олимхон Бухорога келаётган экан, шаҳарга амирсиз бостириб кирмас экансиз» деган мазмунда хат чиқаришади. Чунки болшовойлар ёрдам келгунча халоскорларни овора қилиб туриши керак эди. Пухта ўйланган ҳийла ўз самарасини берди. Қизиллар ёрдам олиб кучайгач, мулло Қаҳҳор қолган-қутган отлиқлари билан чўлга чиқиб кетади. Митан полвон эса ўзини оқланганлиги ҳақидаги овозаайтай. Бухоро амирлигида битта зиндон ва унда еттита зиндонбанд бўлган холос. Маҳбуслар еттитадан ошганини ҳеч кўрмаганмиз. Чунки етти занжирбанд ҳам кундуз кунлари Аркнинг олдига чиқариб кўйиларди. Булар қуёш тиғида тагбанд, бедана қафас ва ҳар хил тўрлар тўқиб ўтиришарди. Шундай қилиб ўзларининг тирикчиликларига ўзлари пул топишарди-да. Қоларса, ўтган-қайтган киши жиноят қилган одам охири зиндонга тушишини ҳис қилиб турарди. Очиғи, Бухорода ўғирлик қилиш уят ва катта жиноят ҳисобланган. Эҳтимол, шу учун зиндон ҳеч қачон маҳбусга тўлмагандир. Масалан, Эски шаҳардаги Тоқи саррафонда пул майдалаб берувчилар ўтирарди. Намоз вақти бўлдики, пул ва олтинлар жой-жойига қолиб, эгалари намоз ўқишга кетаверарди. Демоқчиманки, бировнинг мулкига биров хиёнат қилмаган. Қисқаси, бизга мажбурий кўчирилган инқилоб нималар берди, нималарни тортиб олди? Буни виждон тарозисига солиб кўрадиган вақт ҳам бўлар.

Мен 1920 йилдаги урушда Саид Олимхон қўшинининг енгилганини инкор этмоқчи эмасман. Аммо Фрунзенинг 12 минг аскари амирнинг 70 мингдан зиёд қўшинини яксон этганлиги ҳақидаги афсоналарга ишонмайман. Чунки Бухоро армиясини ҳаддан зиёд кўп қилиб кўрсатишдан кимлардир манфаатдор бўлганга ўхшайди. Эҳтимол, «инқилоб» чилар ўзларига қарши ёғоч, болта, пичоқ кўтариб чиққан маҳаллий халқни ҳам «армия» деб ҳисоблашгандир. Тарихчиларимиз бундай чалкаш рақамларга аниқлик киритсалар, нур устига нур бўларди. Сабаби Бухорода шунча катта қўшин бўлганлигини биз эслай олмаймиз. Бу менинг ожиз фикрим. Ҳамма гапим ҳақ, дея даъво қилишдан йироқман. Зеро, мустақил бўлганимизга қадар ўтмишимизга фақат қора чаплаб келдилар. Яна қанча яшайман—буёғи Яратган эгамга аён, билганларимни ўзим билан олиб кетмай девдим, болам.

Кўплаб дўстларим ҳамда авлод-аждодларимизнинг кўзлари очиқ кетди. Улар озодлик ва мустақиллик учун ўлимга тик бордилар. Бухоронинг ҳар қарич ерида армонлар кўмилган, десам, муболаға бўлмас. Давлатимиз мустақилликка эришди. Мен ана шундай қутлуғ куннинг гувоҳи бўлганим учун Оллоҳга минг бора шукрлар қиламан. Ватанимнинг «Шуҳрат» медали билан ҳам тақдирландим.

* * *

Хаёлан Абдурасул бобони чарҳпалакка ўхшатаман. Чарҳпалак айланаверади, айланаверади. Менинг кўз олдимдан тўпга тутилаётган Арк ва Минораи Калоннинг қулаб тушаётган бир парчаси кетмайди. Болшовойлар ваҳдасига ишонган Файзулла Хўжаевнинг бошини чангаллаб ўтирган қиёфаси нигоҳларимга дуч келади. Қизилларнинг сохта хати доғда қолдирган мулло Қаҳҳор "буларнинг лафзи нечта бўлса экан» дея ингранади. Арқдан ташиб кетилаётган тилларга қараб «Милён» бобонинг юраги оғрийди. Шивирлабгина кимгадир савол бергандек бўлади: «Бу қимматбаҳо дуру жавоҳирлар, олтину кумушлар ўзбек халқиники-ку. Тегманг!.. Қайтаринг!.. Сиз нима қиляпсиз, қароқчилар?!.»

Саволга жавоб йўқ. Мен ҳам «Милён» бобога жўр бўламан. «Тегманг!.. Қайтаринг!..»

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УЛУҒБЕКНИНГ ... ШОГИРДЛАРИ

Навоий шаҳридаги «Жанубий» жисмоний тарбия тармоғида бокс бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган турнирда 40 дан ортиқ чарм қўлқоп усталари ўзаро куч синашишди.

Беллашувда Навоий давлат педагогика институти жисмоний тарбия факультети талабаси Акмал Отамуродов биринчи, шаҳардаги 5-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Баҳодир Холмуродов иккинчи ўринни эгаллашди. Голиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Голибларнинг ҳар иккаласи ҳам Атлантадаги мусобақаларда иштирок этган навоийлик боксчи Улуғбек Иброҳимовнинг шогирдларидир.

Т. ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

МУБОРАКНИНГ ЎЗ АБДУЛЛАСИ

Ўтган йили истиқлол айёми кунлари Муборак шаҳрида элга катта тўй берилди. Унга ташриф буюрган Қашқадарёнинг донгдор бахшилари-ю, туркман оқинлари, тошкентлик таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари даврага файз киритди. Бир пайт ёшгина йигит қўлида тор билан ўртага чиқиб, қўшиқ бошлади. Атрофга таралган ўйноқи, ҳазин оҳанглар кўнгилнинг нозик торларини чертиб ўтди. Хонанда ёниб-ёниб қўшиқ айтди. Созу сўздан яралган бу ажиб навони тирамоҳнинг сарин еллари олис-олисларга-да олиб кетди:

Бир чимдим аламга қаддингни буксанг,
Номард пойин ўпиб, унга тиз чўксанг,
Қизғалдоқ мисоли бағрингни тўксанг,
Тоғнинг лоласиман, деганинг бекор...

Одамлар аввалига сезишмади. Сўнг қўшиқ тугаб, даврага сокинлик чўккач, олқишлар янгради. У секингина даврадан чиқди. Кўпнинг ҳавоси босди. Юраги ўйнаб кетди. Шу лаҳзада машҳур ҳофизлардан бири уни тўрга чорлаб, қучоқлаб олди. «Кўз тегмасин, яхши овозинг бор экан. Авайла», -- деди-да, ўз қўли билан унинг елкасига тўн ёпиб, оқ фотиҳа берди. Шу-шу, Муборак тумани маданият уйи қошидаги «Муборак гуллари» ансамблининг ҳаваскор хонандаси Абдулла Худойбердиевнинг йўли очилиб кетди.

Аслида, бу воқеанинг сираям ажабланадиган жойи йўқ. Кўпинча истеъдодлар ана шундай, кутилмаганда кашф этилади. Кейин билдим: ҳамшаҳарлари Абдуллани «Чўл булбули» дейишаркан. Ўзиям оҳангдор, ширали овози бор-да. Қўшиқларининг аксарияти халқ йўлида. Яна бир жиҳати, ашулаларига ўзи куй басталайди. Бу борада, айниқса, Тошкент давлат маданият институтида ўқиб юрган кезлари тўплаган назарий билимлари жуда асқотаяпти. Шахсий репертуаридан жой олган ўзбек, туркман, тожик, ҳинд, озарбайжон, қозоқ тилларидаги ўнлаб қўшиқлари тинимсиз ижодий изланиш, машаққатли меҳнат маҳсулидир. Табиийки, халқимиз миллийликни кўпроқ қадрлайди. Шунинг учун ҳам Абдулла ўзимизнинг ўзбекона чолғу асбобларини ёқтиради.

Абдулла айни пайтда Муборак тумани табиатни муҳофаза қилиш инспекциясида назоратчи. Аммо бу унинг ижодига асло халақит бермайди. Аксинча, ҳар иккаласи бир-бирини тўлдириб, уйғунлик касб этаётир. Ўзининг эътироф этишича, табиат гўзалликлари уни илҳомлантириб, ижодига қувват берармиш.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

«МУШТУМ»НИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Севимли журналимиз «Муштум»нинг 1-сони босмадан чиқди.

Журналда чоп этилган ҳажв ва кулгига йўғрилган ҳар бир мақолаю фельетон, ҳажвияю ҳангомалар ўзининг ўқимишлилиги билан кенг муштумхонлар оммасини ўзига жалб этади.

«Янги йил ҳазиллари» рукни остидаги байрам табриклари элимизнинг бир қатор ардоқли фарзандларига бағишланган.

Таниқли ҳажвчимиз Анвар Обиджоннинг «Ҳарбийча ҳазиллар»и, хитой адиби Лао Шэнинг «Мушуклар салтанати» сатирик романининг Бахтиёр Омон таржимасида берилган парча, Мурод Қалонхоновнинг «Хазон бўлган умрлар», «Қутурган қотиллар» фельетонлари журналхонни бефарқ қолдирмайди.

Айниқса, ҳажвиётимиз дарғаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Муштум»нинг етти саволи»га берган жавоблари, Саъдулла Сиёевнинг «Алломалар ҳаётидан номалар» рукнидаги «Шайхзода бундан мустасно!» ҳангомаси, «Хотира» рубрикаси остида нашр этилган Асқар Қосимнинг «Атала» ҳажвий шеърлари кулгисеварларимизни хурсанд этишига ишонамиз.

Халқимиз кулгини яхши кўради, ниҳоятда қадрлайди. Ўзбекнинг катта-кичик даврасини, тўй-томошаларини ҳазил-мутойибасиз, аския ва латифасиз тасаввур этиб бўлмайди. Журнал таҳририяти кулгипарастлигимизни ҳисобга олиб «Латифалар танлови»ни ўтказишга қарор қилганлиги қувончли ҳолдир. Танловнинг шарти ва мақсадларини журнал саҳифаларидан билиб олиш мумкин.

Булардан ташқари, «Келин «уйнинг чўриси»ми?», «Бўшашган совчилар», «Уттиз йиллик гап», «Ош тузими, тош тузи?» каби сарлавҳалар остида муштумхонларнинг аччиқ-чучук, дийдиё, хатхабарлари, юрак сўзларига кенг ўрин берилган.

Герхард Бранстнер қаламига мансуб олмон латифалари, Михаил Б. Ягеллонинг «Тўртинчи оёқ»и, Марат Шариф, Уста Кўпал, Ғиёс Комилов, Мухтор Бек, С. Қарноқли сингари кўплаб муаллифларнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўласиз. Рустам Қосимовнинг «Соғлиқлар қалаб, жаноб Жириновский»? сарлавҳали мақоласи ит ҳуриб, карвон ўтаверишининг яна бир исботидир.

Журналдаги яна бир янгилик: республика ва вилоят телевиденилари кўрсатувларини янада яхшилаш, уларнинг савиясини юксалтириш, мазмундорлигини ошириш мақсадида журналда «Телеанкета» жорий қилинган. Унда сиз ўзингизнинг аниқ, лўнда ва қисқа жавобларингиз билан қатнашишингиз мумкин. «Муштум» масхара расмлари билан «Муштум» албатта. Масхара расмлар устаси Ҳусан Содиқов, Маҳмуджон Эшонқулов, Осимхон Восиҳонов, Илҳом Зойировларнинг кулгига бой асарларидан баҳраманд бўласиз.

Ҳуллас, кайфиятингиз чоғ, умрингиз узоқ бўлишини истасангиз «Муштум»ни топиб ўқинг! Жорий йилда журналда обуна бўлолмай қолган бўлсангиз, ташвишланманг: обуна йил давомида давом этади. Чунки журналнинг «Келгуси сонда» -- билдиришида гап кўпга ўхшаяпти. «Неъмат Аминов нима дейди?», «Танқид юқмайдиган одам», «Анвар Обиджон яхши ёзганми ёки Баҳром Обиджон?», «Муҳаммад Юсуфнинг Насиба билан Маликага деганлари», «ДВП» фожеаси», «Қадаҳ кўтарган аёл» сарлавҳали асарлар берилишини билиб олиш мумкин.

Қаҳқаҳаю шодликка кон «Муштум бобо» сизларга ҳамиша ҳамдам бўлсин, азизлар!

«Ўздонмаҳсулот – Аудит» МАОФ «Олтин бошоқ У» акционерлик жамиятининг 1996 йил 1 январдан 1996 йил 31 декабргача бўлган фаолиятини текшириб чиқди.

Таҳлилий ҳисоб-китоблар маълумотлари билан синтез ҳисоб-китоблар маълумотлари ўртасида тафовут йўқ. Баланс мижозларнинг ҳисоб рақамларида қолган қолдиғни ва жамиятнинг 1996 йилдаги фаолиятини ҳаққоний акс эттиради.

Жамиятнинг устав фонди амалдаги норматив ҳужжатларига мос равишда ташкил қилинган ва расмийлаштирилган.

Молиявий ҳисобот жамият фаолиятини тўғри ва ҳаққоний акс эттиради. 1997 йил 1 январгача фондлар манбаларини йўналтириш ва фойдаланиш қуйидагича.

«ОЛТИН БОШОҚ У» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1996 ЙИЛДАГИ БАЛАНСИ

(МИНГ СЎМ ҲИСОБИДА)

АКТИВ	1996 йил бошида	1997 йил 1 январда
Асосий манбалар (қолдиқ қиймати)	43614	282334
Номатериал активлар (дастлабки қиймати)	26322	21629
Капитал сарфи	16184	8288
Тугамаган заҳиралар ва сарф-харажатлар	79984	740857
Узоқ муддатли молиялаш	5802	5802
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	6172	7324
Пул манбалари	236361	136715
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	20925	—
Баланс активи	435364	1202949
ПАССИВ		
Устав капитали	68775	68775
Қўшимча капитал	18418	18418
Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда	35973	120462
Мақсадли молиялаш	—	80276
Узоқ муддатли заёмлар	600	600
Ҳисобли ва бошқа ҳар хил пассивлар	311598	914418
Баланс пассиви	435364	1202949

«ОЛТИН БОШОҚ У» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сизларни 1997 йил 20 март соат 13.00 да бўладиган акционерлар йиғилишига таклиф этамиз. Манзилимиз: 2-Ҳамза йўли кўчаси, 33, «Олтин бошоқ У» акционерлик жамияти биноси.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, кекса санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти
Елизавета Артёмовна ПЕТРОСОВА
(Лиза хоним)нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумининг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

7-Кўприк қуриш трести жамоаси трест бошқарувчиси Равшан Абдуяминовга онаси
Башорат АБДУҚОДИРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур тазия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —Ҳ. Сатторов.
Навбатчи —Ў. Дўстёр.
Мусаҳҳиҳ —А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 088 44.000 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.40 123456